VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

8 (329) ● 2015 йил 25 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Бугунги кунда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини умумэътироф этилган демократик тамойиллар, халқаро ва миллий сайлов қонунчилиги асосида муносиб ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда

5 ЖАРАЁН



Сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар ер юзидаги экотизим барқарорлиги, иқтисодиёт ривожи ва инсон саломатлигига жиддий путур етказмоқда

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Юртимизда ўтказилаётган "Нима қилдик Ватан учун?" шиори остидаги ижодий учрашувлар ёшларни юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва Ватан тараққиётини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга рағбатлантиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир

8 КЎЗГУ

Юзма-юз






# Фуқаролар фаоллиги

## сайловчилар билан учрашувларда яққол намоён бўлмоқда

*Хабар берганимиздек, айни пайтда жойларда сайлов кампаниясининг энг муҳим жараёни — Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти қизғин паллага кирди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида номзодлар жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.*

### МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг Наманган ва Андижон вилояти сайловчилари билан учрашувида ЎзМТДП аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Номзоднинг ишончли вакиллари Наманган муҳандислик-технология институти ректори О.Маматкаримов, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси К.Отахонов йиғилганларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувларда ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлаган Акмал Саидов истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар натижасида Ватанимиз иқтисодий қудрати тобора юксалиб, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани, бу янгиланишлар Наманган ва Андижон вилоятларида ҳам ўз самарасини кўрсатаётганини таъкидлади.

Номзод сайловчилар эътиборига келгусида мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасида қатор вазифалар акс этган сайловолди дастурини ҳавола қилди. Сайловолди дастурида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва халқаро йўналишларда белгиланган мақсад-вазифаларга миллий қадриятларимиз ва мамлакатимиз миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилган.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастури билан яқиндан танишдик, — дейди Андижон машинасозлик институти талабаси Шамсиддин Абдураҳимов. — Номзоднинг сайловолди дастурида ривожланишнинг устувор йўналиши сифатида жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини қарор топтириш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тарихий, маданий ва интеллектуал меросимиз, қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ёш авлодни миллий тикланиш ғояси ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг белгиланган инсон онги ва қалби учун кескин кураш кетаётган бугунги глобаллашув даврида муҳим аҳамиятга эга.

2-бет

Муносабат

# Кексалари эъзозланган юрт

*Яқин ўтмишимиз, истиқлолгача бўлган даврда халқимиз бошдан ўтказган оғир синовлар ҳақида ёш авлод онгида ҳаққоний фикрни шакллантиришда кексаларнинг ўрни ниҳоятда беқиёс. Уларнинг хотиралари ёшлар учун энг тўғри ва ишончли манба вазифасини ўтайди.*

Яқинда қабул қилинган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури юртимизда яшаётган нуронийларга бўлган эътибор ва ғамхўрликни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Давлат дастурида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қария ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Нуронийларга бундай имтиёз берилгани уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга, моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуғ инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги, махсус кўрсатувлар, спектакль ҳамда фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажмини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу биринчи навбатда ёшлар маънавиятини юксалтириш, тарбиявий ишлар сифатини оширишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, улғайиб келаётган ёш авлод онгида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга нисбатан чуқур ҳурмат ва эътиборнинг шаклланишига ҳам хизмат қилади. Бу ҳар жиҳатдан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳангдир. Тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ёшларда миллий қадриятларимиз, тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотиш каби вазифалар ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасидан кенг ўрин олган. Партиянинг бу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлари ёшларнинг кексаларимизни эъзозлаш, қадр-қимматини улуғлаш, аждодларимиз, ота-боболаримиз илмий мероси, ҳаёт тарзи, қадриятларига юксак эҳтиром руҳида вояга етишларига хизмат қилади.

**Ҳусниддин РАЖАБОВ,**
**ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи**

Фракция ҳаёти

# Янги қонун лойиҳалари

## депутатлар муҳокамасида

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Йиғилишни фракция раҳбари С.Отамуратов олиб борди.*



Дастлаб депутатлар "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишди. "2014-2015 йилларда Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар Дастури" ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада яхшилаш назарда тутилмоқда. Хусусан, йирик акциядорларга, яъни 25 фоиздан ортиқ акция эгаларига дивидендлар мазкур жамиятнинг миноритар акциядорлари олдида дивидендлар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаслик шарти билан тўланиши белгилаб қўйилмоқда. Бу акциядорлик жамиятларида кўпчиликни ташкил этган кам ҳажмдаги акцияларга эга бўлган миноритарийларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

4-бет

Репортаж

# Партия сайлов штаби

фаолияти қизғин кечмоқда 5-бет




29 март — сайлов куни

*Мамлакатимизда сайлов жараёнларининг очиқ-ошкора, транспарентлик руҳида ўтаётгани, сайлов тизимининг халқаро тамойиллар асосида янада такомиллашаётгани Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бораётганлигининг амалдаги рўёбидир.*

# Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови

юртимиз келажаги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим мезони

5-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



## Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан номзод Акмал Саидовга овоз беринг!

## Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси иш бошлади

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида элчи Каетана де Зулуета раҳбарлигидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссиясининг асосий гуруҳи аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, миссия фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича атрофлича фикр алмашилди.***

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Одилов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурининг амалга оширилиши билан таништирди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартларига мувофиқ демократик сайловлар ўтказиш борасида ижобий тажриба тўплангани таъкидланди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича миллий тажрибани бойитишга йўналтирилган сайлов қонунчилиги мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик, ошкоралик ва транспарентлик принципларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун масъул конституциявий орган сифатида Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатлари сезиларли равишда мустаҳкамлангани, мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик комиссия фаолиятининг асосий принциплари экани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган қўшимчаларга биноан, сайлов жараёнига жалб этилган жисмоний ва юридик шахсларнинг сайлов қонунчилигига риоя этиш, Марказий сайлов комиссияси қарорларини сўзсиз бажариш бўйича жавобгарлиги кучайтирилгани алоҳида қайд этилди.

Ўз навбатида, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси раҳбари сайлов жараёнини кузатишга таклиф этгани учун миннатдорлик билдирди. У миссиянинг асосий вазифаси миллий сайлов қонунчилиги ҳамда сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш тажрибаси умум қабул қилинган халқаро нормалар, жумладан, ЕХҲТ стандартларига мувофиқлигини баҳолашдан иборат эканини таъкидлади.

— Миссия Ўзбекистондаги фаолиятини 23 февралдан бошлади, — дейди Каетана де Зулуета. — Ўзбекистонга 11 нафар халқаро эксперт келди ва миссиянинг Тошкентдаги штабида фаолият бошлади. 28 февраль куни узоқ муддат фаолият юритадиган 10 нафар кузатувчи келади. Улар Тошкент, Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада сайлов жараёнларини кузатади. Миллий қонунчилик базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тарғиботи, сайлов комиссиялари ва тегишли давлат органлари фаолияти ҳамда сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнини кузатамиз. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини комплекс мониторинг қиламиз.

Учрашувда томонлар ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси фаолияти сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, уни миллий сайлов қонунчилиги, халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ ташкил этишга кўмаклашишига ишонч билдирди.

Шу куни ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси Тошкентда фаолияти бошланишига бағишланган матбуот анжуманини ўтказди. Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, миллий ва халқаро кузатувчилар сайловни кузатишда иштирок этиши назарда тутилган. Айни пайтда кузатув сайлов жараёнининг барча босқичларида, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда амалга оширилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси ўтган сайловларда бўлгани каби шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун Европа, Осиё, Америка ва Африка мамлакатларидан кўплаб кузатувчилар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилар миссияларини таклиф этди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Юзма-юз

# Фуқаролар фаоллиги

**сайловчилар билан учрашувларда яққол намоён бўлмоқда**

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**



Учрашувда ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси О.Мамадалиев, “Меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоя” журнали бош муҳаррири, халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутати Т.Йўлдошева, “Андижоннома” газетаси бўлим мудири Н.Жалолов, Андижон шаҳар кенгаши депутати М.Охунов сўзга чиқиб, Президентликка номзоднинг сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Хусусан, сайловолди дастурда илгари сурилган маҳалла институтини янада такомиллаштириш, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чораларни кўриш, амалиётга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини изчил рағбатлантириш тизимини жорий этиш каби вазифалар кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Номзод сайловчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтариб, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

### МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ — МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ

— Фарғона, аввало, юзида табассум порлаб турган дилкаш ва танти, меҳнатсевар ва меҳмондўст инсонлари билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этади, — деди Акмал Саидов фарғоналик сайловчилар билан учрашувда. — Ўтган йили Аския инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилди. Бу халқимиз, қолаверса, фарғоналикларнинг ўзига хос бой маданияти ва санъатининг жаҳон миқёсидаги яна бир эътирофидир.

Фарғона вилояти бой тарихи ва маънавий-маърифий мероси билан мамлакатимизда ўзига хос ўрин тутади. Истиқлол йилларида Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик, дунё илм-

***Биз ҳар доим миллий ўзликни англашни ошириш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганмиз ва берамиз. Бу борада ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаймиз, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қиламиз.***

**ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастуридан**

фанига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик ва Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур «Ҳидоя» асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллик тўйларини халқаро миқёсда нишонладик.

Фарғона вилоятининг ўзига хос яна бир хусусияти — бу ерда турли даврларда барпо этилган Мадрасаи Мир, Даҳмаи Шоҳон, Модарихон даҳмаси, Миён Ҳазрат ва Камол Қози мадрасалари, Худоёрхон ўрдаси, Жоме масжиди каби кўплаб тарихий обидалар, Пошшопирим, Биби Убайда, Соҳиби Ҳидоя каби муқаддас жойлар халқимизнинг юксак меъморчилик санъати, аждодларимизнинг яратувчилик салоҳиятидан, пири комиллигидан далолат беради.

ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурида халқимизнинг кўп асрлик тарихий, маданий ва интеллектуал меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва келгуси авлодга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон маданий ёдгорликлари, шаҳарларининг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, бутун инсониятнинг тарихий-маданий мероси бўлган тарихий объектлар, архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Номзоднинг сайловолди дастурида юртимизнинг кўп асрлик тарихи ҳамда нодир маданий-тарихий меросини тарғиб қилиш учун туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида аҳамият берилган. Бу борада сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, улар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштириш, туризм индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш муҳим мезон қилиб белгиланган.

Учрашувда сўзга чиққан ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари Абдусаттор Мирсаидов, Бувайда туман “Бештерак” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Иззатулло Эназаров Президентликка




номзоднинг сайловолди дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиямиздан номзод Акмал Саидовга овоз беришга чақирди.

### ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ АСОСИ

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришни таъминлаш, мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция ва инсон ҳуқуқлари ҳамда демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш, оила, мерос, уй-жой даъволари ва маиший турмушда учраб турадиган айрим низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал қилишга интилиш ва муроса йўлларини излаш масалалари партиямиздан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида суд-ҳуқуқ соҳасидаги устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан бўлган учрашувда шулар хусусида тўхталиб ўтди.

Учрашувда 400 нафардан зиёд сайловчи иштирок этди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Қорақалпоқ давлат университети кафедра мудири Елизавета Қутибоева сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда номзод сайловолди дастурининг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтар экан, улар рўёбида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик муҳим аҳамият касб этиши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак, дунёқараши кенг, кундан-кунга юртимизнинг порлоқ келажагига ишончи ортиб бораётган фуқароларимиз фаоллиги Президент сайловининг юксак савияда ўтишининг кафолати бўлиб хизмат қилишини эътироф этди.



— “Очиқ осмон остидаги музей” номи билан шуҳрат топган кўҳна Хиванинг Ичан қалъасидаги тарихий ёдгорликлар Хоразм шонли ўтмишининг жонли гувоҳидир, — деди Акмал Саидов Хоразм вилояти сайловчилари бўлган учрашувда. — Хоразм деганда кўз ўнгимизда бундан уч минг йил муқаддам дунёга “Авесто”дек бебаҳо тарихий ва маданий ёдгорликни ҳадя этган, миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердидек мард, шерюрак, она-Ватан, юрт озодлиги учун кўксини қалқон қиладиган саркардаларни тарбиялаган, ибратли ўтмиши ҳам, бугуни ҳам ҳавасга арзигулик, зафарлари тилларда достон диёр гавдаланади.

Ана шундай юртнинг фарзанди Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотида ўз тариқатини яратган бўлса, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий каби буюк зотнинг исм-шарифи, оламшумул кашфиётлари, илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси туфайли “алгоритм”, “алгебра” каби замонавий атамаларда абадийлаштирилган. Қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси эса бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан XI асрнинг — Беруний асри деб аталишига сабаб бўлган. Ушбу юксак истеъдод соҳиблари қаторида Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Муҳаммадризо Огаҳий каби мўътабар зотларнинг номларини ҳам ҳурмат билан тилга олиш жоиз.

IX-XI асрлардаёқ Маъмун академиясининг Хивада ташкил этилгани ҳам тасодифий эмас. Чунки Хоразм том маънода аллома, мутафаккирлар ватани бўлган. Бугунги кунда ҳам вилоятнинг иқтидорли вакиллари Хоразмий ва Беруний ишларининг муносиб давомчилари сифатида мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини равнақ топтиришга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ҳақиқий жасоратли кишиларгина бу ернинг туяни ҳам қулатадиган шамолига, метинни ҳам эрита оладиган жазирамасига чидабгина қолмасдан, пахта ва ғалладан баракали хирмон уймоқдалар. Вилоят бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган саноати, сифатли товарлари, энг замонавий автобус ва енгил автомобиллари, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош тайёр маҳсулотлари билан жаҳон бозорига ҳам чиқмоқда, — деди номзод.

— Юртимизда кўппартиявийлик тизими қарор топиб, сиёсий партиялар учун кенг имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда, — дейди ёш сайловчи Дилрабо Жуматова. — Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, фақат сиёсий партиялар Ўзбекистон Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга экани бунинг яққол мисолидир. Сайлов кампаниясининг муҳим босқичи ҳисобланган сайловолди ташвиқотларида Президент сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётганига амин бўлаяпмиз. Бугунги учрашувда ҳам ЎзМТДПдан Президентликка номзоднинг сайловолди дастури билан яқиндан танишиш баробарида партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари ҳақида янада кенгроқ маълумотга эга бўлдик.

Учрашувларда Тўрткўл туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Бахтиёр Машарипов, халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Ибодулла Болтаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнининг муҳим босқичида ўтаётгани, кўппартиявийликка асосланган ушбу сайлов мамлакатимизда демократия тамойилларининг мустаҳкам қарор топаётганидан далолат беришини таъкидлади. Сайловчиларни шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш, ЎзМТДП номзодига овоз беришга чақирди.

***Ижтимоий соҳада ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратган ҳолда улар учун уй-жой қурилиши давлат дастури бажарилишининг бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилиши тарафдоримиз.***

**ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастуридан**

### МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИ ВА ТУРИЗМ РИВОЖИ — ЎзМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов Навоий ва Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди. Президентликка номзоднинг ваколатли вакиллари, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Бахтиёр Бозоров, Бухоро давлат университети кафедра мудири Соҳиб Рауфов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувларда Президентликка номзоднинг сайловолди дастуридаги иқтисодиёт соҳасидаги вазифалар сайловчилар эътиборини тортди. Дастурда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси билан жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш ўз аксини топган. Иқтисодиёт соҳасида, шунингдек, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилишни кучайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан муҳофаза этиш ва қулай сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш масалалари ҳам ўрин олган.

— Истиқлол йилларида халқимизнинг бунёдкорлик фазилати юзага чиқди, юртимиз янгиланиш ва бунёдкорлик диёрига айланди, — деди Президентликка номзод Акмал Саидов сайловчилар билан учрашувда. — Бугун ҳар бир юртдошимиз Ватанни обод этиш туйғуси билан яшамоқда. Йилдан-йилга ҳудудлар обод бўлиб, янги иншоотлар, равон йўллару кўприклар, хиёбонлар, маданий-маърифий масканлар бунёд этилмоқда. Бу янгиланишлар замирида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорларнинг ўз ўрни бор.

Номзоднинг сайловолди дастурида ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркор ва ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилган.

Таъкидланганидек, Навоий ва Бухоро вилоятларининг иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга юксалмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига оид ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш сайловолди дастурда алоҳида белгиланган. Ҳудудларда оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчилик ривожи, ўз навбатида, туризмни янада равнақ топтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар томонидан берилган барча саволга атрофлича жавоб қайтарди.

Бўлиб ўтган тадбирларда Акмал Саидов сайловчилар саволларига жавоб берар экан, ўз дастуридан келиб чиқиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожлантириш бўйича бир қатор таклифларни билдирди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

◎ 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили



# Нуронийлар эътибор ва эъзозда

**бу партиянинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг**

***Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш халқимизга хос юксак фазилатлардан. Бу, аввало, фарзанднинг ота-онага ғамхўрлиги ва меҳрибонлигида ўз ифодасини топади. Маҳалла-кўй юмуши, тўй-маърака, жамоатчилик тадбирларида ёши улуғ инсонлар тажрибасига таяниб, улардан маслаҳат олиш анъанага айланган.***

Асрлар давомида шаклланиб, қадрият даражасига кўтарилган бундай муносабат мустақиллик йилларида янада ривож топиб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Кексаларни эъзозлаш йилида бу йўналишдаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам қарияларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни янада ривожлантириш тарафдори. Зеро, партия кексаларга ҳурмат, ўзаро ҳамжиҳатлик, болаларга ғамхўрлик каби оилавий анъаналарни жамиятдаги маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи, деб ҳисоблайди.

Партиянинг Андижон вилоят ташкилоти ташкил этган "Кексаларни эъзозлаш — халқимизга хос, қадимий ва миллий қадриятдир" мавзусида нуронийлар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг учрашувида ҳам бу хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Тадбирни партия Андижон вилояти кенгаши раиси Комилжон Отахонов кириш сўзи билан очди.

— Миллий давлатчилик тизимимизда ҳам кексаларни эъзозлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади, — деди у. — Конституциямизнинг алоҳида боби оила институтига бағишланган. Унинг 66-моддасида эса вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Дунёдаги ҳеч бир мамлакат ўз Конституциясида фарзанднинг ота-она олдидаги бурчига бу қадар катта эътибор бермаган. Бу миллий қонунчилик тизимимизнинг халқчил эканидан далолат беради.

2014 йил 13 октябрда қабул қилинган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон ҳам бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Бу уруш қатнашчиларини нафақат моддий жиҳатдан рағбатлантириш, балки биз учун ҳаёт мактабини ўтаётган нуронийларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам замин ҳозирлади. Зотан, мазкур фармон ижроси туфайли минглаб қария ва ногиронлар, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган кексалар ҳолидан хабар олинди. Уларга меҳр улашилди.

Тадбирда кекса ва нуроний отахон-у онахонларга ғамхўрлик кўрсатиш, яқинда қабул қилинган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш партиямиз дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

***Тўрабой РАҲМАТЖОНОВ, партия фаоли, "Нуроний" жамғармаси Андижон шаҳар бўлими раҳбари:***

— Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди. Кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Халқимизга хос бу фазилат миллий қадриятларимизга эврилиб, истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимизда "Нуроний" жамғармаси ташкил этилгани хам фикримизга яққол далил бўла олади. Жамғарма кексаларга ҳар жиҳатдан бевосита кўмак бериб келаётир. Жамғарманинг Андижон шаҳар бўлими 28 мингга яқин нафақадаги қариялар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилганлар, 100 ёш ва ундан ошганлар ҳамда ногиронларга кўмакдош. Ҳар йили баҳор фаслида кекса отахонлар билан юртимизнинг қадимий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларига зиёрат уюштирилади. Жорий йилда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят кенгаши билан ҳамкорликда қатор тадбирлар уюштирилади. Жумладан, ибратли ҳаёт кечирган нуронийлар билан ёшларнинг учрашувлари ташкил этилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек эзгу мақсадга хизмат қилади.

**Гулжаҳон СОЛИБОЕВА,**
**ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби,**
**Ҳ.САЛОМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

◎ Миллий бренд

# Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

**маҳсулотлар аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда**

***Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ички бозорни маҳаллий товарлар билан тўлдириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Маҳаллийлаштириш Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзларининг берилгани бунда муҳим омил бўлмоқда. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Буни биргина Бухоро вилояти Жондор туманидаги "Жондор чашмаси" корхонаси мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Мазкур корхона 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунга келиб эл дастурхонига 9 турдаги сут ва сут маҳсулотларини тортиқ этаётир.***



*ЎзА олган сурат.*

— Бундан йигирма йиллар олдин менга ўхшаган оддий қишлоқ аёлининг хусусий корхонаси бўлади, деб айтишса, ҳеч ким ишонмасди, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, "Жондор чашмаси" раҳбари Мамлакат Тошева. — Чунки у пайтлар хусусий мулкка бўлган муносабат бутунлай бошқача эди. Қишлоқ аёллари йил - ўн икки ой пахта даласидан бери келмасди. Туманда нари борса, битта-иккита корхона ишларди, холос. Ҳозир эса, ҳатто энг чекка қишлокда ҳам ўнлаб ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатаётир. Бу истиқлолнинг халқимизга берган энг катта туҳфаси. Иш қиламан деганга ҳамма йўл очиқ. Хоҳласа банкдан кредит, лизингга эса технология олади. Фақат бугунги тадбиркор фаол ва фидойи бўлиши, ишнинг кўзини билиши керак. "Олма пиш, оғзимга туш" деб турса, вақтини ҳам, нақдини ҳам бой беради.

Дарвоқе, Бухородаги мазкур корхона ҳам банкдан кредит олиб фаолият бошлаган. 50 миллион сўм маблағ эвазига хориждан сутни қайта ишловчи технология олиб келинди. Корхона маҳсулотлари тез орада харидор ишончини оқлади. Ҳозирда вилоятдаги аксарият дўконларда "Жондор чашмаси"нинг сут маҳсулотлари сотилмоқда. Ҳатто, қўшни Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ҳам корхона маҳсулотларининг харидорлари бор. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати юқори эканидан далолат беради. Шунингдек, бу ерда қайта ишланаётган сут маҳсулотлари вилоятдаги мактабгача таълим муассасалари ва Меҳрибонлик уйларига ҳам тарқатилади.

— Сутни қайта ишловчи ускуналар қанча замонавий бўлса, маҳсулот сифати ҳам шу даражада юқори бўлади. Бу эса унинг харидоргирлигини оширади, рақобатбардошлигини таъминлайди. Бундан ташқари, менга ўхшаган ёш мутахассисларнинг сўнгги русумдаги технологиялар билан ишлаши, ишга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиради, — дейди тумандаги саноат коллежини битириб, корхонага ишга келган Нигина Тошева.

Нигинадан ташқари Нилуфар Ҳамроева ҳам ўтган ўқув йилида иқтисодиёт коллежини тугатиб, "Жондор чашмаси"-га ишга келди. Бугунги кунда бу ерда жами 12 киши меҳнат қилмоқда. Корхона фаолиятини янада кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Корхона раҳбари кейинги йилда яна 200 миллион сўм кредит олиб, қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ниятида. Бу корхона фаолиятини янада жонлантириши табиий. Ишлаб чиқариш корхонаси ҳузурида хом ашё етказиб берадиган фермер хўжалигининг ташкил этилиши унинг иқтисодий аҳволини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз. Бундан ташқари, корхонада пишлоқ қадоқлашни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бунинг учун зарур бўладиган технологияларга буюртма ҳам берилган. Агар бу режа амалга ошса, "Жондор чашмаси" нафақат пишлоқни қайта ишлайди, балки уни тайёр ҳолда савдо дўконларига етказиб беради. Бу эса қўшимча даромад олиб келади, корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий имкониятларини кенгайтиради.

— Вилоят кенгаши депутатлигига сайланганим зиммамдаги масъулиятни икки карра оширди, — дейди Мамлакат Тошева. — Энди нафақат ўз корхонамни, балки ҳудуддаги барча маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшишим керак. Депутатлик фаолиятим давомида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ЎзМТДПнинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифалари, соҳага оид қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳолига кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қиламан. Вилоят кенгаши сессияларига маҳаллий корхоналар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббус-масалалар билан чиқмоқчиман. Шунингдек, корхоналарга партия лойиҳалари доирасида банклардан кредит ажратилиши жараёнида фаол иштирок этишни ният қилганман. Бу мени сайловчилар ишончини оқлашимга, партия электорати бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини янада ривожлантиришга замин яратади.

Маҳаллий корхоналар фаолиятини жонлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш, иқтисодиётда миллий бренд нуфузини ошириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифаси саналади. Партия Ҳаракат дастурида хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этишни ўзининг муҳим вазифаларидан, деб белгилаган. Шунингдек, ЎзМТДП маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этишни иқтисодий соҳадаги вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Партиянинг нуқтаи назарича, республикамиз минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остидаги маҳсулотлар нуфузини мустаҳкамлаш мумкин. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш ЎзМТДПнинг биринчи галдаги вазифасидир. Зотан, ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпайиши жойларда қўшимча иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

◎ Хроника

# Хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллиги

**партия нуфузини мустаҳкамлайди**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Қораўзак туман кенгаши "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари ғоясини амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни ва роли" мавзусида тадбир ташкил этди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг маънавий-маърифий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бўлиб, бу жараёнга сиёсий партиялар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда, — деди партия туман кенгаши раиси ўринбосари Қ.Жақсимуратов. — Жумладан, ЎзМТДП "Аёллар қаноти" томонидан уларда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, оила ва жамиятда муносиб ўрин топишлари, ҳуқуқий саводхонлиги, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган давра суҳбати, кўрик-танлов, тадбир ва ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбир ҳам партия дастурида белгиланган эзгу мақсад ва вазифаларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ишларни фаоллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида партия амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар кўлами ва сифатини янада ошириш юзасидан таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

## ХОРАЗМ

ЎзМТДП Янгибозор туман кенгаши "Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишда ЎзМТДПнинг роли" мавзусида тадбир ўтказди. Унда мамлакатимизда истиқлол йилларида хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда партия "Аёллар қаноти" етакчилари фаол иштирок этишлари зарур. Бунинг учун хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ваколати ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳамкор ташкилотлар билан йирик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Тадбирда партия дастурий мақсад-вазифалари асосида ҳудудларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш, партия "Аёллар қаноти"нинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Бугун тобора шиддат билан ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнида ёш авлодни турли ғоявий таҳдидлар таъсиридан сақлаш, уларни эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгаларига айлантиришдек масъулиятли вазифа сиёсий партияларнинг ёшларга оид сиёсатини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. ЎзМТДП Миробод туман кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан ўтказилган "ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсати: асосий йўналишлари тажрибаси ва истиқболдаги вазифалари" мавзусидаги тадбирда ана шулар хусусида сўз борди.

Тадбирда кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида аҳоли, айниқса, ёшлар муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Шу боис навқирон авлоднинг қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини жамият равнақи йўлида сафарбар этиш, етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган янги, таъсирчан ва самарали лойиҳалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

## СИРДАРЁ

ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши ўтказган "Глобаллашув ва "оммавий маданият"нинг ёшлар онгига салбий таъсири" мавзусидаги тадбирда интернетнинг ёшлар маънавиятига салбий таъсири ҳақида сўз борди.

— Глобаллашув даврида ахборот макони, уни тарқатишнинг восита ва шакли шу қадар кўпаймоқдаки, ҳамма ёш ҳам унинг қайси бири тўғри, ишончли ёки фойдали эканини англаши, ажратиб олиши ғоят мушкул кечмоқда, — деди партия туман кенгаши раиси Р.Абдужалилова. — Шу боис вояга етмаган ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш учун улар онгида, аввало, мафкуравий иммунитетни, интернетдан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш, бу борадаги тарғибот ишларини янада кучайтириш лозим. Бу эса партиямизнинг ёшларни халқимизга ёт бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш, миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари дастурий мақсад-вазифалари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Тадбирда бугунги ахборот глобаллашуви жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва таълими самарадорлигини ошириш, уларнинг медиа саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, интернетнинг миллий сегментини янада ривожлантириш, ёшларбоп, миллий қадрият ва анъаналаримизни тарғиб этувчи веб-ресурсларни янада кўпайтириш юзасидан таклиф-тавсиялар билдирилди.

## НАМАНГАН

ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши "Аёллар қаноти" ташкил этган "Фуқаролик жамияти барпо этишда хотин-қизларнинг ўрни" мавзусидаги давра суҳбатида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган тадбирлар уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш, аёллар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш, таклиф ва тавсиялар тайёрлашда муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди.

Тадбирда сиёсий партиянинг хотин-қизлар билан иш олиб боришда замонавий усуллар ҳамда партия "Аёллар қаноти" нуфузини янада ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди. Қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, кредит ажратиш орқали аёлларни оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликка кенг жалб этиш, бунда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан изчил ва самарали иш олиб бориш лозимлиги таъкидланди. Давра суҳбати якунида партия сайловолди Дастурида бу йўналишда белгиланган вазифалар ижроси муҳокама этилиб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

## ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Косон туман кенгаши "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг ўрни" мавзусида тадбир ташкил этди.

Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган янгиланиш ва ислоҳотлардан хабардор бўлган, билим ва тажрибасини амалда қўллай оладиган навқирон авлод эртанги порлоқ мақсадларимизга эришишда асосий кучга айланиши шубҳасиз. Шу маънода, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" фаолияти ёш авлод вакилларининг дунёқарашини кенгайтириш, сиёсий етакчилик қобилиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда "Ёшлар қаноти" етакчилари малакасини ошириш, ёшлар билан ишлашда интерфаол усуллардан фойдаланиш, ёш авлод манфаатларини ифода этувчи лойиҳалар ишлаб чиқиш юзасидан фикрлашилди. ЎзМТДП ғояси ва мақсад-вазифаларини тарғиб этишда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш, партия сафига дунёқараши кенг ва фаол ёшларни жалб этиш лозимлиги таъкидланди.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# Депутатлик бирлашмалари

⊙ Фракция ҳаёти



## Янги қонун лойиҳалари

**депутатлар муҳокамасида**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

ЎзМТДП фракцияси қонун лойиҳасида кўзда тутилган қоидалар мамлакатда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, жумладан, акциядорлик жамиятларини самарали қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги, бу борада тизимли чора-тадбирлар кўзда тутилаётганлигини инобатга олиб, мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептул жиҳатдан қўллаб-қувватлашди.

Шунингдек, йиғилишда "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади йодланган ош тузини ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳаларидаги муносабатларни тартибга солишни янада кучайтиришдан иборат. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган давлат сиёсати негизидаги амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Эътироф этилганидек, йод етишмаслиги ҳолати ўта жиддий касалликлар, хусусан, инсоннинг интеллектуал салоҳияти билан боғлиқ бўлган касалликларга сабаб бўлади. Шу боис соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, аҳолини, айниқса она ва бола саломатлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашда мазкур қонун лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасига партия Ҳаракат дастурида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёндашишди. Мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши, оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар мустаҳкамлигини таъминлашни кучайтириш каби дастурий вазифаларни амалга оширишда ушбу қонун лойиҳаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, уни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллашди.

Истиқлол йилларида тадбиркорлар ҳамда хусусий мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва янада кучайтириш мақсадида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. "Хусусий мулк ҳуқуқлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам айни шу мақсадга қаратилган. Биринчи ўқишда муҳокама қилинаётган мазкур қонун лойиҳасида хусусий мулк тушунчасини ва унинг нодавлат мулкидан фарқини аниқ ифодалаш, иқтисодиётнинг хусусий сектори устуворлиги, уни қўллаб-қувватлаш ва дахлсизлигини амалда таъминлаш кўзда тутилган.

Маълумки, хусусий мулк тушунчаси ва уни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Фуқаролик кодекси, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларида ўз ифодасини топган. Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Уй-жой ҳамда Солиқ кодексларига, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида мулк ҳуқуқи кафолатларига сўзсиз риоя этиш механизми етарли даражада йўлга қўйилмаганини инобатга олиб, бундай ҳуқуқ ва кафолатлардан тўла ҳажмда фойдалана олиш учун шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорларга, уларнинг фаолиятига халақит бераётган шахсларни жавобгарликка тортиш масалалари қамраб олинган. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий мулк ҳимояси ҳамда хусусий тадбиркорлик ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарликни ўрнатишга хизмат қилади.

Фракция йиғилишида навбатдаги масала — "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди.

Ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади жамоат жойлари ва транспорт воситаларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилгани учун жарима жазолари миқдорини ошириш йўли билан фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва алкоголнинг зарарли оқибатларини камайтиришдан иборат. Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалдаги ҳуқуқий базасини мустаҳкамлайди. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб қилишни тақиқлаш орқали мамлакатимиз фуқаролари, энг аввало, ёшлар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилинишининг олдини олиш ва камайтиришга, улар билан боғлиқ туғма жисмоний нуқсонлар, ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг камайишига кўмаклашади.

Ушбу масала юзасидан сўз олган фракция аъзолари ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган ҳар томонлама соғлом ва етук авлодни вояга етказиш, уларни халқимизга ёт ва зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашди.

Шунингдек, фракция йиғилишида партия ва фракция фаолиятига дахлдор бир қатор масалалар ҳам муҳокама этилди. Йиғилиш сўнгида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.



***Мухтабар ҲУСАНОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Фракция йиғилишида муҳокама этилган барча қонун лойиҳалари мамлакатимиз равнақига, фуқароларнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, уларда партиямиз электорати вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлайдиган нормаларнинг мавжудлиги фракциядошларимиз томонидан алоҳида эътироф этилди. Жумладан, "Хусусий мулк ҳуқуқлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган иқтисодий соҳадаги вазифаларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади. Хусусан, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, мамлакатда хорижий маҳсулотлар ўрнини эгаллайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишидаги вазифаларимизнинг айрим жиҳатлари қонун лойиҳасида акс эттирилганини инобатга олсак, электоратимиз манфаатлари ҳимоя қилинишида мазкур қонун лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади.



***Даврон ОРИПОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Йиғилишимизда биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳалари ўз мазмун-моҳияти билан ҳаётимизда долзарб ва аҳамиятли эканлиги таъкидланди. Шу нуқтаи назардан улар фракциядошларимиз томонидан маъқулланди. Аммо ҳар бир қонун лойиҳасини маромига етказиш масъулияти зиммамизда турибди. Қонун лойиҳаларини ҳар жиҳатдан пухта, пишиқ ва мукаммал қилиб ишлашга, партиямиз ижтимоий қатлами манфаатларини ифодалашга эътибор қаратишимиз лозим. Шунингдек, уларни хорижий тажриба билан қиёслаш орқали янада мукаммаллаштириш биз депутатлардан фаол ва масъулиятли бўлишни талаб этади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Депутат минбари

## Ҳуқуқий асослар мустаҳкамлиги

**аниқ ва пухталиги барча соҳа тараққиётининг энг муҳим омили**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида халқ вакилларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг қонун ижодкорлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш, қонунлар ижроси устидан назорат, парламент эшитуви ва депутатлик сўровларини амалга оширишга оид фаолияти атрофлича таҳлил қилинди.***

Парламентнинг ўтган даврдаги ютуқ ва камчиликларига назар ташлаш билан бирга саккизта устувор йўналиш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Айни пайтда қўшма йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар кенг жамоатчилик, барча даражадаги депутатлар томонидан чуқур ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун биз депутатлар мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўтган даврда йўл қўйилган камчиликларни эътиборга олган ҳолда фаолият олиб боришимиз, биринчи навбатда, соҳаларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга эътибор қаратишимиз долзарб вазифа ҳисобланади. Давлат бошқарувининг асосини қонунлар ташкил этар экан, қонун ижодкорлиги жараёнида пухта иш олиб бориш, қонунларнинг пишиқ ва мукаммаллигини таъминлаш, уларни қабул қилиш билан бир пайтнинг ўзида ижросини ҳам таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш лозим. Бу, ўз навбатида, ҳар бир депутатнинг зиммасидаги масъулиятни оширади, қонун ижодкорлиги жараёнида фаол ва ташаббускор бўлишга, ишлаб чиқилаётган қонунларнинг инсон ҳаёти ва манфаатларига қай даражада хизмат қилишини чуқур ўрганишга ундайди.

Қонунларни ишлаб чиқишда ҳар бир фракция ўз партиясининг мақсад-вазифалари, ғоялари нуқтаи назаридан ёндашиши шубҳасиз. Чунки партия ижтимоий қатлами, электорати манфаатлари ҳимоя қилинишига энг дастлабки босқич — қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу орқали мақсад-ғояларимизнинг амалга ошишига, электоратимиз манфаатлари ҳимоя қилинишига ўз ҳиссамизни қўша оламиз.

Сиёсий партиялар, фракциялар, депутатларнинг бугунги фаолиятига берилган баҳо ва билдирилган муносабатдан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча фаоллари, шу жумладан, унинг фракцияси аъзолари ҳам муайян хулосаларни чиқариб, келгуси иш режаларини белгилаб олишди. Партия ҳамда депутатлар бирлашмалари фаолиятини янада кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этиш фаолиятимизнинг устувор йўналишларига айланишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида маънавий-маърифий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларга оид муҳим ва долзарб мақсад-вазифалар белгиланган. Келгуси беш йил давомидаги фаолиятимиз йўналишларини белгилаб берган мазкур Дастур ижроси, энг аввало, партия ижтимоий қатлами ва электоратимиз вакиллари манфаатлари таъминланишига хизмат қилади. Биргина иқтисодий йўналишда белгиланган кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмакдош бўлиш вазифалари электоратимиз бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, оилавий тадбиркор, ҳунарманду касаначилар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ЎзМТДП ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ўзимизда мавжуд бўлган имкониятлардан янада самарали фойдаланиш йўлларидан бири сифатида солиқ-бюджет сиёсатини амалга оширишни илгари суради. Бу эса мамлакатимиз пойтахти ва ҳудудларни, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантиришга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ҳудудлар бўйича айрим номутаносибликларга барҳам беришга, турли ҳудудларимизда яшаётган одамларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзини тенглаштиришга хизмат қилади. Партия ҳамда депутатлик бирлашмалари бу каби мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш орқали иқтисодий ва индустриал жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этади.

Дунёда ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор суръатлар билан ривожлантиришда ўтган даврда яратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база муҳим омил бўлди. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнгги 10 йилда 8 фоиздан камаймади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденцияларга қарамай, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги ва макроиқтисодий мувозанатнинг таъминлангани халқимиз осойишталиги ва фаровонлигига замин бўлаётир. Келгусида ана шундай барқарорликни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ривожини янги босқичга кўтариш биз депутатлар фаоллигига ҳам боғлиқ. Боиси ҳуқуқий асослар мустаҳкам, уни амалга ошириш механизмлари аниқ ва пухта бўлса, барча соҳа бирдек тараққий этади, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамиша устувор бўлади, юртимиз тинч-осойишта, халқимиз фаровон ҳаёт кечиради. Ана шундай юксак масъулият биз депутатларни ҳамиша фаолликка, янгиликка интилиб ишлашга ундаши шубҳасиз.

**Сиддиқ НАМОЗОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

⊙ Депутатлик сўровлари

## Сайловчи ишончи

**уни оқлаш ҳар бир депутат ва партия гуруҳининг асосий вазифасига айланмоғи лозим**

***Халқнинг ишончли вакили, деган юксак шарафга сазовор бўлган депутатлар ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида менинг ҳиссам қандай бўлиши керак? Сайловчиларнинг ишончини қай даражада оқлай оламан?, деган саволларни қўйиши табиий. Депутатлик мансаб эмас, балки масъулият эканлигини чуқур англаган, эл-юрт, электорат манфаатлари учун хизмат қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билган депутатларимиз қонуний ваколати — депутатлик сўровидан унумли фойдаланишга интилишмоқда. Зеро, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электоратни ўйлантираётган масалалар юзасидан мансабдор шахсларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилиш партия гуруҳи фаолиятининг энг таъсирчан усулларидан бири саналади.***

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан фуқаролар мурожаатларига алоҳида аҳамият қаратилиб, улар асосида тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови киритилмоқда.

***Собирхўжа САИДХЎЖАЕВ, халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Ёшларимиз маънавий ва жисмоний етук, ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари учун барча шароит муҳайё. Жойларда замонавий таълим масканлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилмоқда, турли спорт мажмуалари фаолият кўрсатмоқда.

Қўқон шаҳридаги "Сайҳон" маҳалла фуқаролар йиғинида ёшларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланишини ташкил қилиш мақсадида бир қатор муассасалар фаолияти йўлга қўйилган. Сайловолди учрашувларида шу ҳудуддаги айрим ёшларнинг теннис спорт турига қизиқиши, шу боис теннис кортига эҳтиёж мавжудлиги аниқланган эди. Депутат этиб сайлансам, ўз ваколатимдан фойдаланиб, ушбу масалани сўров сифатида тегишли ташкилотларга киритишни мақсад қилгандим. Аҳоли мурожаатларига асосланиб, шаҳар ҳокимлигига депутатлик сўрови жўнатдик. Натижада, "Сайҳон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида теннис корти барпо этиш шаҳарнинг шу йилги манзилли дастурига киритилди.

***Нилуфар ЭРГАШЕВА, халқ депутатлари Гулистон шаҳар кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида йўловчиларга, жумладан, мамлакатимизнинг олис ва етиб бориш қийин бўлган жойлари аҳолисига транспорт хизмати тизимини яхшилаш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари учун имтиёзли транспорт қатновини таъминлашга кўмаклашиш вазифаси алоҳида белгиланган.

Гулистон шаҳридаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини таркибига кирувчи 4 ва 5-мавзеларда транспорт қатнови билан боғлиқ масала мавжудлиги аниқланди. Бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли деярли ҳар куни шаҳар марказига бориши, йигит-қизлар турли таълим масканлари, тўгаракларга қатнашини эътиборга олсак, транспорт қатнови изчил йўлга қўйилиши зарур. Шаҳар ҳокими А.Акбаровга ушбу масалада амалий ёрдам кўрсатишини сўраб, депутатлик сўрови киритдик. Мурожаатимиз эътиборсиз қолдирилмай, ўз вақтида ижобий ечим топди. Гулистон шаҳридаги "Бахтиёртранс" автоуюшмасидан саккизта микроавтобус ажратилиб, доимий транспорт қатнови йўлга қўйилди.

***Ерали НИЕТУЛЛАЕВ, халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Маҳаллий кенгашларда депутатларимиз сафининг янада кенгайгани илғор ташаббусларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш имконини оширмоқда.

Партия гуруҳимизнинг ЎзМТДП сайловолди Платформаси асосида тузилган ўз режаси бор. Ҳозирги кунга қадар мутасадди идораларга 3 марта депутатлик сўрови киритдик. Масалан, Нукус шаҳридаги Қизкеткен ҳудуди аҳолиси айрим кўчалардаги сув қувурлари ёрилгани сабабли муаммолар юзага келгани ҳақида ёзма мурожаат қилган эди. Партия гуруҳимиз аҳоли мурожаатини ўша жойнинг ўзига чиқиб ўрганди. Натижада эскирган қувурларни алмаштириш зарурати аниқланди. Шу масалада амалий ёрдам кўрсатишини сўраб, Туямўйин-Нукус ҳудудий сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси шаҳар бўлимига депутатлик сўрови юбордик. Тез орада масала ижобий ҳал этилиб, ҳудуддаги сув қувурларини таъмирлаш ва янгилаш ишлари амалга оширилди.

***Абдусалом ҲИММАТОВ, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Партия гуруҳимиз ўз режасида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, одамларнинг турмуш тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ҳаётининг обод ва фаровонлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратишни мақсад қилган. Бу борада депутатлик сўровлари ҳудудларни ривожлантириш, кундалик турмушимиздаги айрим масалаларнинг ечим топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Янги таркибда иш бошлаган партия гуруҳи томонидан бир қатор масалалар юзасидан тегишли ташкилотлар, мансабдор шахсларга сўровлар юборилиб, ижобий ҳал этилди. Масалан, Шаҳрисабз туманидаги Қутчи ҳамда Хитой қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли "Ҳазора" ва "Хуммон" маҳаллаларида тоза ичимлик суви таъминоти борасида тегишли ташкилотларга киритилган депутатлик сўрови ижобий ечим топди: бу масала туманнинг жорий йилги манзилли дастурига киритилди.

Бугунги кунда депутатларга берилаётган ваколатлар уларга ҳар қандай масалага ечим топиш имкониятини яратмоқда. Бу борада биз депутатлардан фақат фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади, холос.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган ҳар бир депутат ўз зиммасидаги масъулият ва сайловчи ишончини ёдда тутиб, фаолият олиб борса, ижобий ечим ва натижалар янада кўпайиши, бу эса, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Умида УЗОҚОВА**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ 29 март — сайлов куни

# Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови

## юртимиз келажаги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа сифатида демократик тамойиллар асосида, фуқароларнинг эркин иштирок этгани ҳолда ўтиши шубҳасиз. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Шуҳрат Сирожиддинов билан суҳбатимиз ана шу муҳим сиёсий жараёнга кўрилаётган тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишлар хусусида бўлди.

**— Истиқлол йилларида мамлакатимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, сайлов жараёнини демократлаштиришга қаратилганислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Суҳбатимиз аввалида мамлакатимиз сайлов тизими, хусусан, Президент сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов тизимини демократлаштириш ва бу йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар изчил ва тизимли амалга оширилди. Ислоҳотлар самараси ўлароқ, юксак демократик талабларга жавоб берадиган, умумэътироф этилган халқаро норма ва принципларга мос бўлган, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириши кафолатлари таъминланган, ҳар бир инсоннинг давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган самарали норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди.

Сайловлар давлат ҳокимияти органларини шакллантирадиган, фуқароларда улар фаолиятининг қонуний ва адолатли эканига ишонч уйғотадиган демократик қадрият ҳисобланади. Бу жараён фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш баробарида уларнинг давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларини кафолатлайди. Демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири саналган, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлган, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ва билвосита иштирок этиш ҳуқуқларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланиб, "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир" деб эътироф этилган.

Мамлакатимиз демократик жамият қуриш йўлидан дадил одимлаб бораётган экан, биринчи навбатда, мамлакатимиз сайлов тизимини демократик тамойиллар асосида такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланди. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти органларини демократик сайловлар орқали шакллантириш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келадиган миллий сайлов қонунчилиги яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларда сайловларнинг даврийлиги ва мажбурийлиги, адолатлилиги ва эркинлиги принциплари, уларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш, сайловларни жамоатчилик назорати ва халқаро кузатувчилар иштирокида ўтказиш механизмлари мустаҳкамлаб қўйилди. Бунда оммавий ахборот воситалари ҳам ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида мустаҳкамланди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда сайловларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилиб, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар стратегиясини белгилаб берди. Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, кўппартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим вазифалар белгиланди. Асосий қонунимизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат экани белгилаб қўйилди. Шунингдек, сайлов комиссиялари тизими мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди. Бу эса сайлов жараёнларининг очиқ ва ошкора ўтказилишини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг босқичма-босқич такомиллашгани ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этаётир.

**— Сайлов кампанияси даврида ишончли вакил институтининг ўрни беқиёс. Айтинг-чи, Президентликка номзодлар ишончли вакилларининг вазифалари нималардан иборат?**

— Сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти ҳисобланади. Бу жараён сайловни демократик тамойиллар асосида ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Сайловолди ташвиқоти даврида Президентликка номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуққа эга. Ишончли вакилларни тайинлаш рўйхатга олинган номзодларнинг қонуний ҳуқуқи ҳисобланади. "Ишончли вакил" иборасининг ўзи номзодлар сайлов кампанияси жараёнида, авваламбор, шу шахсларга ишонч билдиришларини англатади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакилларининг вазифалари мустаҳкамлаб қўйилган. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафаргача ишончли вакилга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг тақдимномасига кўра уларнинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинди. Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳномалар берди.

Айни пайтда қизғин давом этаётган сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига қатъий мувофиқ равишда ўтказилмоқда. Бу жараёнда Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар номзодларнинг сайловолди учрашувларида ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва ваколатларидан самарали фойдаланиб, сайловнинг юқори савияда ва фуқаролар фаоллиги остида ўтишига муносиб ҳисса қўшаётир.

**— Амалдаги қонунчиликка биноан, Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти бошқа органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни таъминлайдиган мустақил демократик институт ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш борасида Марказий сайлов комиссияси томонидан қандай саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда?**

— Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши сайлов жараёнларини янада демократлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2014 йилнинг 26 декабридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурда амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар, улар ижросини таъминлаш учун масъуллар белгиланди.

Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 сайлов округи, округ сайлов комиссиялари, ушбу комиссиялар эса, ўз навбатида, 9058 сайлов участкаси ва участка сайлов комиссияларини ташкил қилди. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам 44 сайлов участкаси тузилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, фақат сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда фаолият юритаётган тўрт сиёсий партия — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этганидан сўнг, уларга сайловда иштирок этиш учун рухсат берилди.

Сиёсий партияларнинг олий органи — съезд ёки қурултой томонидан Президентликка номзод кўрсатилиб, номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари тўпланди. Қонунга мувофиқ, ҳар бир сиёсий партия томонидан мамлакатимизнинг камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилмасини ифода этадиган жами сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизи имзосини қамраб олган имзо варақалари тақдим этилди. Сиёсий партиялар томонидан номзодларни рўйхатга олиш учун имзо варақалари билан биргаликда зарур ҳужжатлар тақдим этилиб, Марказий сайлов комиссияси ушбу ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб, уларнинг қонунга мувофиқлиги тўғрисида хулоса берди.

Марказий сайлов комиссиясининг 14 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш ва сайлов кампанияси даврида Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ, Президентликка номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шароит яратиш, ўз сайловолди дастури билан чиқиш қилиши учун Миллий телерадиокомпаниянинг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" телерадиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилди. "Халқ сўзи", "Народное слово" ҳамда "Правда Востока" газеталарида бир хил — 10 саҳифагача нашр майдони ажратилди.

Бундан ташқари, округ сайлов комиссияларининг қарорлари билан ҳар бир Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга ҳудудий теле- ва радиоканалларда 180 дақиқадан иборат эфир вақти ва ҳудудий даврий нашрларда 5 саҳифа босма майдони ажратилди. Ушбу имкониятлардан номзодлар сайловолди ташвиқотини олиб бориш мақсадида бемалол фойдаланишлари мумкин.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича пойтахтимизда Республика матбуот марказини тузди. Барча округ сайлов комиссияларининг қарорлари асосида жойларда ҳам матбуот марказлари тузилган. Президент сайловини ёритиш учун мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакиллари Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилди. Бундан ташқари матбуот марказлари томонидан ҳам журналистларни аккредитациядан ўтказиш ишлари давом этмоқда.

Мухтасар айтганда, мустақил мамлакатимиз янги тарихида муҳим ижтимоий-сиёсий воқелик ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юксак даражада ташкил этиш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга мазкур сиёсий воқеа сайловчилар фаоллиги, сиёсий етуклиги ва мамлакатимиз келажагига бўлган ишончини яна бир бор намоён қилиши шубҳасиз.

**"Milliy tiklanish" мухбири Шоҳида ДАМАНОВА суҳбатлашди**

⊙ Репортаж



# Партия сайлов штаби

## фаолияти қизғин кечмоқда

***Бугунги кунда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини умумэътироф этилган демократик тамойиллар, халқаро ва миллий сайлов қонунчилиги асосида муносиб ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Қонунчилигимизнинг ушбу қоидасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатди ҳамда кўп сонли сайловчиларнинг қўллаб-қувватлаши эвазига сайловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси давлат ва жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ва ҳал қилувчи жараёнда муносиб иштирок этишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу жараённи юқори савияда ташкил этиш мақсадида ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари ҳузурида сайлов штаблари тузилди. Сайлов штаблари айни сайлов кампанияси даврида партиянинг сайлов билан боғлиқ фаолиятини, номзод ва унинг ишончли вакиллари, кузатувчилар ва тарғибот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб бормоқда.

— Айни пайтда ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузуридаги сайлов штабида партиянинг жорий йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўриши учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, сайлов штаби раҳбари ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев. — Жумладан, штаб сайловга оид қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, ҳуқуқий адабиётлар ҳамда зарур ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича партиямизнинг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур асосида қатор саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Сайлов кампанияси бошлангандан буён партия марказий ва ҳудудий ташкилотлари томонидан сайловга ҳозирлик кўришга қаратилган конференция ва давра суҳбатлари ўтказилди. Шу билан бирга фуқароларни сайлов жараёнларидан хабардор қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини, айниқса, сайловга оид билимларини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида тарғибот тадбирлари, семинар ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига асосан номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди. Партиямиз номзодининг мазкур жараёндаги фаолиятини муносиб ташкил этиш мақсадида сайлов штабимизда бир нечта гуруҳлар шакллантирилди. Хусусан, тарғибот гуруҳи, ишончли вакил, кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш гуруҳлари айни пайтда зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажариш учун астойдил ҳаракат қилишаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди ташвиқотига оид реклама материаллари тайёрланиб, сайловчилар билан учрашувлари, номзоднинг сайловолди дастурини тарғиб қилиш бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқишлари ташкиллаштирилмоқда. Сайловолди ташвиқоти даврида номзоднинг ҳудудлардаги сайловчилар билан учрашувларини муносиб ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, бунга партия Марказий кенгаши ходимлари масъул этиб белгиланди. Учрашувлар сайлов штаби томонидан мунтазам равишда мониторинг қилиб борилмоқда, — дейди сайлов штаби раҳбари ўринбосари.

Дарҳақиқат, марказий ва ҳудудий партия ташкилотларидаги сайлов штабларида сайловга тайёргарлик ишлари тобора қизғин тус олаётир. Номзоднинг барча ҳудуддаги сайловчилар билан учрашувлари уюшқоқлик ва фуқароларнинг фаоллиги остида ўтишини таъминлашда сайлов штаблари бош-қош бўлмоқда. Учрашувларда номзоднинг сайловолди дастури билан бирга партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор мақсад-вазифалар ҳам тарғиб этилаяпти. Бу эса партиямиз ғоялари кенг аҳоли қатламлари орасига кириб бориши, хайрихоҳларимиз сафи кенгайишида муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга барча шаҳар ва туманларда партия томонидан қабул қилинган сайловолди иш режаси асосида турли тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар, сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларга бошланғич партия ташкилотларини, сайловда илк бор иштирок этаётган ёшларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби тадбирларда ҳам партия мақсад-ғоялари ва сайловолди Платформасини кенг тарғиб этишга эътибор қаратилмоқда.

Мухтасар айтганда, сайлов штабида олиб борилаётган қизғин саъй-ҳаракатлар ЎзМТДПнинг жорий йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Президентлик сайловида муносиб иштирок этишига замин яратади. Бу муҳим ва қизғин жараёнга ҳозирлик кўриш ишлари партиянинг барча ҳудудий ташкилотларида уюшқоқлик билан амалга ошириляпти.

**Муҳтарама КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Марказий сайлов комиссиясида

# Сайлов — демократия кўзгуси

## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини самарали ёритишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади

***Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритишда оммавий ахборот воситалари иштирокининг долзарб масалалари" мавзусида он-лайн семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари аъзолари, экспертлар, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.***

Тадбирдан мақсад, республика ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакилларининг миллий сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий билимларини янада ошириш, журналистларнинг сайлов жараёнини тезкор ва холис ёритиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишдир. Мамлакатимиз ҳудудлари билан видеоалоқа орқали семинар мавзуларининг он-лайн режимидаги муҳокамасида ҳудудий матбуот марказлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам фаол иштирок этди.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов шу йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий воқеа эканини таъкидлади.

— Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этишнинг муҳим жиҳати шундаки, унда фақатгина овоз бериш яширин амалга оширилади, қолган барча жараён очиқ, ошкора ва транспарентлик руҳида ўтади, — деди М.Абдусаломов. — "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти, сайлов комиссиялари тузилгани, улар жойлашган манзил ва иш вақти ҳақида маълум қилади, сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати билан таништиради, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар билан таништириб, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳозирги кунда сайлов жараёнининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Сайлов комиссияларининг барча тадбирида журналистлар фаол иштирок этмоқда. Телевидениеда мавзуга оид мунтазам равишда теле- ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилмоқда, сайлов жараёнининг босқичларини тушунтирадиган роликлар намойиш этилмоқда. Босма ва интернет-нашрлар сайлов жараёнини ёритишда фаоллик кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти қизғин паллага кираётган шу кунларда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирчанлиги янада ошмоқда. Сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилган. Хусусан, Президентликка номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситаларида изчил ёритиб борилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини очиб берадиган, сайлов кампаниясининг барча босқичи ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга доир маърузалар тингланди. Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири Шерзод Зулфиқоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази раҳбари Низомиддин Нурматов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдухоликовнинг маърузаларида оммавий ахборот воситалари томонидан сайлов жараёнининг барча тадбирини ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ёритишда қонунчиликка, холислик, бетарафлик ва адолатлилик тамойилларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

— Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар Фарғона вилоятида ҳам фаоллик билан ташкил этилмоқда, — деди он-лайн муҳокама жараёнида иштирок этган 11-Фарғона сайлов округи раиси Набижон Собиров. — Фуқароларнинг сайлов жараёнлари борасидаги билимларини ошириш, бу борадаги қонунчиликдан хабардор қилиш ва Президент сайловида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган тадбирлар доимий тарзда ўтказилмоқда. Сайлов кампанияси эълон қилинган кундан ҳозирги пайтгача вилоятнинг туман ва шаҳар газеталарида 250 дан зиёд материал эълон қилинди. Вилоятдаги 947 сайлов участкаси таркиби матбуотда эълон қилинди. Айни кунларда Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари оммавий ахборот воситаларининг бош мавзусига айланган.

Ўзаро мулоқот ва фикр алмашиш руҳида ўтган семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Шоҳида МИРЗАЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

Бугуннинг гапи

# Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

***Ахборот глобаллашуви туфайли турли мафкуравий таъсирлар, айниқса, ёшлар тафаккурини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайган бугунги даврда бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри шакллантириш, уларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, онгу-тафаккурини юксалтириш маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир.***

Зеро, маънавияти бой, дунёқараши кенг ёшлар ҳеч қандай таҳдид ва хавф-хатарлар домига тушмайди. Бу жараён мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, бу борада назоратни янада кучайтириш билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг учун ўқувчининг кундалик вақтини уйда ота-она, мактабда эса синф ёки гуруҳ раҳбари қатъий назоратга олиши, бўш соатларини мунтазам кузатиб бориши мақсадга мувофиқ.

Ёшларни "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоя қилиш борасида гап кетар экан, дастлаб олдимизда турган бир қанча долзарб саволларга жавоб беришимиз даркор. Яъни, бугун ота-оналар мактаб остонасига бир ойда неча марта қадам қўймоқда, устозлар ўз ўқувчиси уйига неча маротаба бормоқда? Ота-оналар билан суҳбат дафтарлари юзаки, номига тўлдирилмаяптими? Таълим-тарбия жараёнларида муҳим аҳамият касб этувчи мазкур жараёнлар муносиб тарзда олиб борилса, ўқувчи ёшларнинг сабабсиз дарс қолдириши, баъзи ўқувчилар хулқидаги салбий ўзгаришлар, ярашиқсиз кийимлар ва турли мантиқсиз қўшиқларга қизиқиш, ўзга давлатларнинг рамзлари ва зўравонликни тарғиб этувчи суратлар туширилган спорт майкаларини кийиб юриши каби ҳолатларга чек қўйилган бўлармиди?..

"Оммавий маданият" кўринишларини тарғиб этаётган бундай манзаралар битта бўлса ҳам кўп, чунки қизиқишлар замирида маънавий йўқотишларни сезиш қийин эмас. "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ёш авлод маънавий оламини асраш, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш, турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Ўқувчилар орасида кўзга ташланаётган бу каби ҳолатларнинг олдини олишга ҳар биримиз масъулмиз. Мактабда маҳалла маъмурияти ва жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган ота-оналар йиғилишини тез-тез ўтказиш, уларга профилактика инспекторини ҳам жалб этиш, бундай йиғилишларнинг натижасини белгилайдиган мониторингни юритиш бугуннинг қатъий талабидир. Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Сир эмаски, кейинги пайтларда ота-оналар йиғилишига асосан оналар келади. Бироқ миллий тарбиямизда ота ўрнининг ўзига хос нозик ва масъулиятли томонлари бор. Бола, ўқувчи тарбияси бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимлигини инобатга олсак, бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга тўғри келади. Умуман, фарзандларимизга ота-она, мактаб ва маҳалла томонидан қўйиладиган талаб мазмунан бири иккинчисини тўлдирган ҳолда уларнинг комил инсон бўлиб тарбияланишига хизмат қилиши керак.

Вояга етмаганларни турли маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда мактабда ўтказиладиган турли мавзудаги маънавий-маърифий тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Танаффус пайтларида халқ қаҳрамонлиги, миллий қўшиқлар, ватанпарварлик, она юртга садоқат, катталарга ҳурмат каби туйғуларни тараннум этувчи эшиттиришлар ташкил қилиш мумкин. Тадбирларда замонамизнинг ёш қаҳрамонлари тимсолини етарли даражада намойиш қилиш, ёш чемпионлар, фан олимпиадалари ғолиблари, ёш ихтирочилар ҳақидаги фильмлар намойишини йўлга қўйиш ҳам яхши самара беради. Мактаб ўқувчисининг ёшига мос тарзда яратилган киноларимизни намойиш қилиш ва зарурат туғилганда фильмда кўтарилган ғоя ўқитувчи томонидан изоҳланиши ва фанлар билан боғланиши турли ёт ғояларга қарши маърифий кураш усулидир. Бундан ташқари, мактаб ва коллежларда радиоузелдан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Биз катталар миллатимиз, мамлакатимиз келажаги бўлган навқирон авлод — фарзандларимизни тубанлик, ахлоқсизлик ва экстремистик ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга мажбурмиз. Бу, энг аввало, Ватан келажаги олдидаги бурчимиздир. Оила, мактаб, маҳалла, кенг жамоатчилик, мулкчилик шаклидан қатъий назар мамлакатдаги барча ташкилотлар ҳамкорлиги пировард натижада юксак маънавиятли ўқувчи шахсини камол топтиришдан иборат. Маънавияти юксак ўқувчи эса турли таҳдидлардан ҳимоялана олади, кимнингдир алдовига учмайди, ёт ғоялар таъсирига берилмайди. Башарият тарихида илмий, маънавий-маърифий, бунёдкорлик, адабиёт ва санъат, математика, тиббиёт ва бошқа қатор йўналишларда ўзининг етук олимлари, мутафаккирлари билан залворли ўрин эгаллаб келаётган ўзбек миллатининг келажаги бугун камол топаётган ёшлар қўлида экан, уларга бўлган эътиборни янада кучайтириш талаб этилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий муҳитни янада соғломлаштириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, миллий анъана ва қадриятларимизни ривожлантириш ҳамда изчил тарғиб этиш борасидаги кенг кўламли ишларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур ва шарт.

**Қозоқжон ДАВЛАТОВ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази Қоракўл туман бўлими раҳбари, халқ депутатлари Қоракўл туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

Танлов

# Жамият эътирофи

**журналист масъулияти ва фаоллигини оширади**

***Мамлакатимизда миллий журналистикани изчил равнақ топтириш, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини, холис ахборот тарқатиш масъулиятини янада ошириш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кенг иштирокини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Журналистлар ўртасида турли даражадаги танловлар ўтказиб келинаётгани соҳа ходимларини рағбатлантириш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.***

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этиб келинаётган "Жамият ва мен", "Эътироф" республика танловлари замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам.

Жорий йил "Жамият ва мен" танловига келган уч мингдан зиёд ижодий иш орасидан ижтимоий ҳаёт, иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ, илм-фан, маданият, спорт каби соҳаларга оид йўналишлар, "Янги авлод", "Ўз замонасининг қаҳрамони" ва "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг ёритилиши" каби махсус номинациялар бўйича 23 нафар ғолиб аниқланди. "Эътироф" республика танловида эса йилнинг энг яхши босма ОАВ журналисти, фотомухбири, илк бор ўзини танитган оммавий ахборот воситаси каби йўналишлар ва махсус номинацияларда ғолиблар рағбатлантирилди.

Тадбирда демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда журналист масъулияти ва унинг фаол фуқаролик позицияси, миллий қонунчиликда белгиланган ахборот олишнинг ҳуқуқий меъёрлари ва ундан фойдаланиш амалиёти, касб одоби, жамоатчиликка тезкор ва холис ахборот етказишда ихтисослашувнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Журналистлар, айниқса, ҳудудий нашрларда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимлари замонавий ахборот воситаларининг имкониятлари, ахборот тўплаш ва уни жамоатчиликка етказишнинг ўзига хос усуллари ҳақида етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозимлиги таъкидланди.

**Умида УЗОҚОВА**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ўқув-семинар

# Соғлом оила — соғлом авлод

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш глобал жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Республика ОИТСга қарши кураш маркази олимлари, шифокорлар ва журналистлар иштирок этишди. Тадбир Ўзбекистон Республикасида ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши курашишда доимий мулоқот ва ижтимоий шерикликни кенгайтириш ва кучайтириш мавзусидаги лойиҳа доирасида ўтказилди.***

Тадбирда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Оғир ва юқумли касалликлар, жумладан, одам иммунитети танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклардан азият чекувчи инсонлар, айниқса, болалар, аёлларга, самарали ёрдам кўрсатиш уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бу йўналишда чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий механизми яратилган. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклига барҳам беришни таъминлаш мақсадида бир қатор халқаро конвенциялар ратификация қилиниб, кўплаб қонунлар қабул қилингани қайд этилди.

— Мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, хотин-қизлар ўртасида ўз саломатлигига масъулиятни кучайтириш, оила қуриш арафасида турган ёшларни соғлом турмуш тарзига тайёрлашга ҳисса қўшиш доимий эътиборимизда, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Гулжамол Асқарова. — Бугунги тадбирнинг бевосита соҳа мутахассислари ва журналистлар билан олиб борилиши айни муддао бўлди. Чунки аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ўткир юқумли касалликларнинг келиб чиқишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар кутилган самарани бериши шубҳасиз.

Ўқув-семинарда хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, шу орқали соғлом фарзандлар туғилишига эришиш, ёш авлод тарбияси, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, туғма ногиронликнинг олдини олиш юзасидан маърузалар тингланди.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Реклама ўрнида

# "Микрокредитбанк" сармоялари

**микромолиявий хизматларга йўналтирилади**

***Мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, банк-молия тизимини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бермоқда. Бунинг натижасида ҳар йили янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалмоқда.***

MIKROKREDITBANK

"Микрокредитбанк" АТБ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга, юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, аҳолининг кам таъминланган қисмига кўмак бериш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражасини ошириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Банк томонидан ўтган йили мижозларга 296,8 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди. 2015 йилда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар миқдори 358,5 миллиард сўмга етказилиши режалаштирилмоқда. Унинг 50 фоизи четдан жалб этилган ресурслар ҳисобидан қайта молиялаш ставкаси воситасида амалга оширилиб, имтиёзли фоизларда берилади.

"Микрокредитбанк" АТБ кўрсатадиган имтиёзли микромолиявий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни юртимиздаги чекка ҳудуд аҳолисига етказиш мақсадида оилавий тадбиркорлик, касаначилик, соҳага оид янгиликлар юзасидан учрашув, давра суҳбати, семинар-тренинглар ташкил этилади.

2015 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган кредитлар миқдорини 90 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган.

Фарзандларимизнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, ёш тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш учун "Микрокредитбанк" Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жорий йилда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси амалга оширилади. Меҳнат бозорига янги кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 45,2 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилади. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 100,8 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 60 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

"Микрокредитбанк" АТБ томонидан 2015 йилда 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 124,6 миллиард сўм, 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга асосан эса ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 99,1 миллиард сўм миқдорида кредит ажратиш белгиланган.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

*Хизматлар лицензияланган*

Реклама

# "Агробанк" сармояси ҳисобига янги иш ўринлари

AGROBANK

***Мамлакатимизда банк соҳасини такомиллаштириш мижозларга янада кенг қулайликлар яратиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Буни "Агробанк" АТБнинг Самарқанд вилояти бошқармаси фаолияти жараёнида ҳам кўриб, билишимиз мумкин.***



Жумладан, банк бошқармаси томонидан ишбилармон-тадбиркору фермер-деҳқонларнинг бизнес лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, аҳолига сифатли ва тезкор банк хизматларни кўрсатиш, мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида янги хизмат турларни жорий этиш борасида самарали ишларни олиб борилаётганлигини эътироф этиш ўринлидир.

2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан ўтган йил соҳага 18 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Жумладан, банкнинг Нарпай филиали биргина "Мирбозор машъаласи" корхонасига қуруқ меваларни қадоқлаш учун 272 миллион сўмлик кредит ажратди. Пировард натижада корхонада саккизта янги иш ўрни яратилди.

Ўтган йилда ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга аҳд қилган корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун 10 миллиард сўм ажратилди. Натижада, вилоят бўйича бу турдаги корхоналар сони ошиб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Банк бошқармаси тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиб келаётир. 2014 йилда тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларга 7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиши натижасида беш юздан ортиқ хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Туманимизда бир нечта болалар спорти мажмуалари фаолият кўрсатади, — дейди "Аёллар ва спорт" МЧЖ раҳбари Гулнур Абдураҳмонова. — Бу эртамиз эгаларининг жисмонан бақувват ва соғлом бўлиб ўсишига хизмат қилиши шубҳасиз. Ана шундай умуммиллий вазифага ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида туманимизда соғломлаштириш маркази фаолиятини йўлга қўйдим. Ўтган йилда спорт анжомлари сотиб олиш учун "Агробанк"нинг Челак туман филиалидан 200 миллион сўм кредит олдим. Ҳозирда бу ерда бир вақтнинг ўзида бир нечта спорт турлари билан шуғулланиш имкони мавжуд. Бу соғломлаштириш марказига қатнаётган ёшлар сафининг кенгайишига хизмат қилаётир. Ҳозирда марказимизда еттита иш ўрни яратилган. Келажакда соғломлаштириш маркази фаолиятини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Ҳа, юртимиз бўйлаб минглаб ана шундай спорт мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Бундай муассасаларда навқирон авлод вакиллари соғлом бўлиб вояга етишмоқда. Профессионал спортга илк қадамларини қўйишмоқда. Қувонарлиси, энди тадбиркорларимиз ҳам ана шундай иншоотларни бунёд этиб, соғлом авлодни вояга етказишда ўз ҳиссасини қўшаётир. Бу — мамлакатимизда соғлом ҳаёт тарзи умуммиллий ҳаракатга айланганидан далолат беради.

Ҳунармандчилик ҳамиша ота-боболаримиз ризқини бутун қилган, ҳаётига мазмун берган. Ана шу касб келтирган даромад туфайли уларнинг орзу-ҳаваслари рўёбга чиқиб, тўй-томоша қилишган. Шунинг учун ҳам юртимизда ҳунармандлар оиласи ёки ҳунармандлар маҳалласи каби тушунчалар шаклланган. Жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам мисгарлар, наққошлар, этикдўзлар, чархчилар каби ҳунар турлари билан айтилувчи ўнлаб маҳаллалар бор. Ана шу соҳани янада тараққий эттириш мақсадида "Агробанк"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан ҳам доимий эътибор ва кўмак берилмоқда. Нарпай туманидаги Йўл қурилиш ва автосервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси Шоҳруҳ Худойбердиев ҳам ана шундай имкониятдан фойдаланган ёшлардан бири.

— Коллеж битирувчиларига кредит бериш тартибининг жорий этилгани биз учун айни муддао бўлди, — дейди у. — Бу мен каби ёшларнинг мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишига имкон бераётир. Ана шу имтиёздан фойдаланиб, "Агробанк" АТБнинг Нарпай филиалидан 50 миллион сўм кредит олиб, мих ишлаб чиқариш цехини ташкил этдим. Ҳозирда бу ерда 5 киши меҳнат қилаётир. Келгусида банк кредитларини ўзлаштириш ҳисобига корхона фаолият кўламини янада кенгайтириш ниятидаман.

"Агробанк"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси мамлакатимизда тобора кенг қулоч ёзиб бораётган оилавий корхоналар фаолиятини жонлантиришга ҳам алоҳида эътибор билан ёндашиб келяпти. Банк мутассаддилари ўтган 2014 йилда ана шу мақсадда бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратишди. Вилоят бўйича жами 112 тадбиркорлик субъектига молиявий кўмак берилди. Бу корхоналар вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириб, жойларда қўшимча иш ўринларини яратмоқда, турмуш фаровонлигини ошираётир.

Бир сўз билан айтганда, "Агробанк"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси ва филиаллари аҳолига кенг турдаги банк хизматларни тақдим этиш ва шу орқали халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз иқтисодиётини тараққий эттиришни мақсад қилгани эътиборга молик.

**Ҳасан ФАРМОНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

*Хизматлар лицензияланган*

⊙ Бизнинг шарқ

# Сув — тириклик манбаи



**аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, аввало, ушбу ҳудуддан оқиб ўтувчи дарё ва кўлларнинг мусаффолигига боғлиқ**



***Сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар ер юзидаги экотизим барқарорлиги, иқтисодиёт ривожи ва инсон саломатлигига жиддий путур етказмоқда. Ушбу экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини юмшатиш, табиий мувозанатни барқарорлаштириш, иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган фаолият турларини модернизациялаш инсоният олдида турган устувор вазифадир.***

Дунёда йирик дарёлар кўп. Аммо мутахассисларнинг фикрича, айнан Нил, Амазонка, Миссисипи, Янцзи, Хуанхэ, Меконг, Амур, Обь, Лена, Ситарум сингари йирик ҳисобланган дарёларнинг суви йилдан-йилга ифлосланмоқда. Бу эса нафақат экологияга, балки инсоният соғлиғига ҳам жиддий салбий таъсир қилмоқда.

Маълумотларга кўра, Индонезиядаги Ситарум дарёси 9 миллион аҳолини сув билан таъминлайди. Аммо экологлар мазкур дарёни дунёдаги энг ифлос ҳавзалардан бири сифатида қайд этишади. Бир неча йиллардан буён чиқиндихонага айланган бу дарёдан ичимлик суви ва қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланилаётгани эса мутахассислар хавотирини янада оширмоқда. Дарёнинг бу ҳолатга тушиши табиатнинг эмас, инсонларнинг атроф-муҳитга бўлган ўзибўларчилик муносабати оқибатидир. Яқинда Осиё тараққиёт банки мазкур дарёни тозалаш учун 500 миллион АҚШ доллари ажратди. Аммо кузатувчилар "ўлик дарё" сувларини тозалаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш учун йиллар давомида тинимсиз саъй-ҳаракат зарурлигини айтишмоқда.

Ҳиндистондаги йирик — Ганга, Жамна, Ямуна, Брахмапутра дарёлари қадимдан миллионлаб аҳолини оби-ҳаёт билан таъминлаб келади. Мамлакат бош вазири Ганга дарёси ва канализация қувурларини тозалаш учун 2018 йилгача мўлжалланган лойиҳа жиддий назорат остига олинишини маълум қилган. Дастурга кўра, Ҳиндистон келгуси 5 йилда озодалиги бўйича дунёдаги илғор мамлакатлардан бирига айланиши мумкин. Бош вазир баёнотига кўра, 2019 йилга келиб кўчаларнинг саранжом-саришталиги таъминланиб, ҳар бир фуқаро тоза ичимлик сувини истеъмол қилиш имконига эга бўлади. Лойиҳа бюджетининг умумий қиймати 33 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа доирасида қишлоқ жойларида янги тозалаш иншоотлари барпо этилади. Тозаликни таъминлаш мақсадида жойларда жамоатчилик ҳаракатлари ташкил этилган. Янги қонунга кўра, белгиланмаган жойларга ахлат чиқиндиларини ташлаган фуқаролардан 80 долларгача жарима ундирилмоқда.

Ганга дарёси Харьяна, Уттар-Прадеш штатлари, Агра, Матхура ва Деҳлигача оқиб келади. Ташвишланарли томони шундаки, Деҳлидаги аксар чиқиндилар пойтахтдан оқиб ўтувчи Ганга ва Ямуна дарёсига ташланаётир. Оқибатда сув таркибида хавфли бактериялар меъёридан 120 маротаба кўпайган. Ҳукуматнинг дарёларни тозалаш борасидаги чора-тадбирларига қарамай, вазият ўзгаришсиз қолаётир. Ганга дарёси узунлиги 2,5 минг километр бўлиб, ҳавза майдони бир миллион квадрат километрни ташкил этади. Дарё соҳили бўйлаб 440 миллион аҳоли истиқомат қилмоқда.

Хитой ҳукумати 2011-2020 йиллар давомида мамлакат ҳудудидаги кўл ва дарёларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш мақсадида 650 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Бундан ташқари мамлакатда сув иншоотлари тизимини тозалаш учун 200 миллиард доллар йўналтирилган. Шунга қарамай, Хитойда экологик вазият ҳамон ачинарли аҳволда. Атроф-муҳитни саноат корхоналаридан чиқарилаётган заҳарли моддалар, қора қурум ва аччиқ тутун қопламоқда. Ер қатламлари, кўл ва дарёлар ифлосланиб, ўрмонзорлар майдони кескин қисқараётир. Иссиқлик электростанцияларининг 80 фоизи кўмирда ишлаши ҳисобига атмосферага катта миқдорда карбонат ангидрид тарқаляпти. Маълумотларга кўра, мамлакатдаги дарёларнинг 75 фоизи,



сизот сувларининг 90 фоизи заҳарланган. Хусусан, Хуанхэ дарёсида нефть доғлари сузиб юргани боис чўмилиш таъқиқланган, суви эса саноат мақсадлари учун фойдаланишга яроқсиз. Сувда токсик моддалар кўплиги туфайли суғориш ишларида ҳам фойдаланиб бўлмайди. Ишлаб чиқариш корхоналаридан оқизилаётган оқава сувларнинг дарёларга қўшилиши оқибатида ҳавзалардаги сув истеъмол қилиб бўлмас даражага келган. Бу эса кўплаб балиқларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Янзци дарёсига йилига миллиард тонналаб оқава сувлар келиб қуюлмоқда. Пекин, Шанхай, Тяньцзин, Ханжоу ва Сиан шаҳарлари остида дунёдаги энг катта бўшлиқ пайдо бўлган, айрим уйлар ер қаърига чўкиб кетган. Баъзи бино деворларида ёриқлар пайдо бўляпти, кўприклар қулаб, темир йўл магистраллари фойдаланишга яроқсиз аҳволга келган.

АҚШда ҳам дарё ва кўллар талайгина. Йирик кўллар майдони 245,2 километрни ташкил этади. Атроф-муҳитга етарлича эътибор берилмаётгани туфайли Гурон, Мичиган, Эри, Юқори каби кўлларда вазият аянчли аҳволга келиб қолган. Бу ерда кўплаб турдаги токсик моддалар топилмоқда. АҚШдаги Миссисипи дарёсининг узунлиги 3770 километр бўлиб, у денгиз сатҳидан 450 метр баландликдаги Итаско кўлидан бошланади. Маълумотларга кўра, мамлакатдаги саноат корхоналари ва уй-жойларда тўпланадиган чиқиндиларнинг қарийб 40 фоизи айнан шу дарёга ташланади. Қолаверса, Мексика кўрфазига йилига бир ярим миллион тоннага яқин азот кислоталари тўкилиши аниқланган.

Европада ҳам бу борада муаммолар мавжуд: тўққизта давлат ҳудудидан оқиб ўтадиган Рейн дарёсида турли гидротехника иншоотлари қурилиши оқибатида атроф-муҳитга жиддий зарар етмоқда. Хусусан, узлуксиз электр энергияси ишлаб чиқарилиши натижасида сув сифати ёмонлашган, ҳавога заҳарли моддалар тарқалиш ҳажми ортмоқда, балиқчилик хўжаликлари катта зиён кўраётир. Австрия, Германия ва Швейцария ҳукуматлари томонидан Боден кўли тозалигини сақлаш учун ҳамкорликда махсус лойиҳа амалиётга татбиқ этилмоқда. Рейн дарёси соҳилларида дунё сайёҳларининг эътиборини тортувчи кўплаб ажойиб дам олиш оромгоҳлари борки, бу йилига 4 миллиард евродан ортиқ даромад олиб келади.

Олимлар дарё ва кўлларга ташланаётган пакет ва пластик идишлар ҳам сув жониворларининг нобуд бўлишига олиб келаётганини айтишади. Хусусан, Австралияда сўнгги ўн йилда 14 миллион тонна пластик идиш ишлатилган. Бу "Яшил қитъа"да истиқомат қилувчи ҳар бир инсон ўртача 63 килограмм пластик идиш ишлатади, деганидир. Чиқиндига айланган минглаб тонна пластик идишлар эртами-кеч денгизга тушиши аниқ. Бу Австралиянинг ноёб ёввойи табиатига таҳдид солиши турган гап. Жаҳон ёввойи табиат фонди мутахассислари сувга тушган чиқинди денгиз жониворларига хавф солаётганини айтишмоқда. Уларнинг сўзларига қараганда, кўп ҳолатларда денгиз жониворлари пластик идишларни емиш сифатида қабул қилади. Оқибатда полимер чиқиндилар кит, дельфин, тюлленъ, денгиз тошбақалари ва балиқларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури мутахассисларининг фикрича, полимер чиқиндилар бир йилда бир миллиондан ортиқ денгиз паррандаси ва 100 мингдан зиёд жониворнинг нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда.

Экотизимда ҳар бир табиий ресурснинг ўз ўрни бор. Зеро, табиатда ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб, ўз-ўзидан йўқолмайди. Бу қонуниятни ҳисобга олмаслик мавжуд экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Шу боис табиий мувозанатнинг сув ва сув манбалари билан боғлиқ жиҳатлари бугунги кунда дунёдаги энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

- ***Ер юзининг тўртдан уч қисми сув билан қопланган ҳолда, унинг атиги 6 фоизи чучук сув ҳисобланади.***
- ***Шундан 2,5 фоизи истеъмол учун яроқли бўлиб, унинг асосий қисми табиатда муз ҳолатда учрайди.***
- ***Маълумотларга кўра, инсон кундалик эҳтиёжи учун ўртача 100 литр сув ишлатади.***
- ***Бу кўрсаткич шаҳарда 140 литр бўлса, қишлоқда 80 литрга тўғри келмоқда.***

⊙ Рангин дунё

# "Глобус"

**ёхуд Шекспир қироллик театри**

***Англия ҳудудидаги энг қадимги "Глобус" театри Темза дарёсининг жанубий соҳилларида жойлашган. Шекспир асарлари туфайли ушбу театр катта шуҳрат қозонгани рост. Бироқ, театр биноси турли сабабларга кўра уч марта кўчирилди. Айни пайтда "Глобус" ёхуд Шекспир қироллик театри Стратфорд шаҳрида фаолият кўрсатмоқда.***



...Дунёда бирор-бир тил йўққи, Шекспир қаҳрамонлари унда гапирмаган бўлса. Қирол Лир, Ҳамлет, Отелло ёки Клеопатрасиз жаҳон театр саҳналари ғариб тасаввур уйғотади. Вильям Шекспир 1564 йили Англиянинг Эйвон дарёси соҳилида жойлашган Стратфорд шаҳрида дунёга келди. Отаси Жон Шекспир Стратфорд ҳокими вазифасида ҳам ишлаган. Вильям оилада яхши тарбияланган, мактабда чуқур билим олган. Ўн саккиз ёшида Анна Ҳазавей исмли қизга уйланиб, ундан бир қиз ва ўғил кўради. Қизининг исми Сюзанна, ўғли Ҳамлет бўлиб, улар ўн бир ёшида вафот этган. Шекспир йигирма уч ёшида Лондонга кўчиб кетади. У ерда театр жамоасига қўшилади. Жеймс Бербеж раҳбарлигидаги труппада фаолият кўрсатиб, кейинроқ "Глобус" театрида ишлайди.

Машҳур актёр бўлиш Шекспирга насиб этмаса-да, саҳна ҳаётини яхши ўрганади. Театр учун пьесалар ёза бошлайди. Натижада "Ричард III", "Ричард II", "Қирол Иоан", "Генрих IV", "Генрих V" каби қатор драмаларни яратади. Шунингдек, "Ёз кечасидаги туш", "Венеция савдогари", "Бунисига нима дейсиз?" каби кўнгилга шодлик, қувонч бағишловчи комедиялар ёзади. Шекспир инсон тақдири, руҳиятидаги зиддиятларни бутун кескинлиги, шафқатсизлиги билан ёритишни мақсад қилган ижодкор эди. "Ромео ва Жульетта", "Юлий Цезар"да бу тамойил дастлабки ифодасини топган. 1601-1608 йиллар оралиғида яратилган "Ҳамлет", "Отелло", "Қирол Лир", "Макбет", "Антоний ва Клеопатра" трагедиялари дунё драматургиясининг мўъжизаси сифатида тан олинади. Шекспир унча узоқ умр кўрмаган — эллик уч йил яшаган, холос. Йигирма йилдан зиёд ижодий меҳнат билан шуғулланган драматург умрининг сўнгги йилларида "Қиш эртаги", "Цимбелин", "Бўрон" асарларини ёзади. Шекспир трагедияларини юқори босқичга кўтарган омиллар — асар мавзусининг бойлиги, ғоявий йўналишининг аниқлиги, ҳаётнинг табиий ифодаланишидир.

Таъкидлаш керакки, лондонликлар театр санъатини қадрлашади. 1599 йилда бунёд этилган "Глобус" театри ҳам ана шундай эътибор маҳсулидир. Ўшанда театр биносини қуришда асосан ёғоч конструкциялардан фойдаланилган. Шекспир театрининг Лондондаги биноси саккиз қиррали шаклу шамойилга эга бўлиб, томи умуман йўқ эди. Томоша зали ҳам шунга яраша оддий: усти очиқ овалсимон саҳна ва уни тутиб турувчи катта девор қалқонидан иборат бўлган. Театр 2-3 мингга яқин томошабин учун мўлжалланган. Бинода ҳозирги театрлар каби ўриндиқлар бўлмаган. Ўзига тўқ инсонларга театр саҳнасига курси қўйиб берилар, қолганлар эса спектаклни тик турганча томоша қиларди. Саҳна остида хуфя хона бўлиб, у ердан арвоҳ ва шунга ўхшаш афсонавий махлуқлар образлари гавдалантирилган. Театр спектаклларини қўйишда махсус декорация тугул уй жиҳозларидан ҳам фойдаланилмаган.

Театршуносларнинг фикрича, Шекспир давридагина театрлар ҳаваскорликдан профессионал даражага кўтарилди. Дарбадар актёрлар труппаларга бирлашиб, театр биноларида ижод қила бошлади. Масалан, "Глобус" театрида ишловчи етакчи актёрлар ойлик маошдан ташқари кундалик тушумга ҳам эга эди. Театр раҳбари, бош драматург ва яна уч нафар етакчи актёр томошабинлардан тушган пуллардан доимий равишда фойда олиб турган. Иккинчи даражали рол ижрочилари ва ўсмир ёшидаги актёрлар эса ойлик маош билан кифояланган, холос.

Ўтган асрнинг 70-йилларида америкалик режиссёр, актёр ва продюсер Сэм Уонамейкер "Глобус" театрининг замонавий биносини реконструкция қилиш таклифи билан чиқади. Бу таклиф кўпчиликни ҳайрон қолдиради. Чунки театр салкам уч юз йилдан буён фаолият юритмас эди-да. Айнан ўша йили "Глобус" театри жамғармаси таъсис этилиб, қайта тиклаш ишлари учун керакли маблағ тўпланади. Бироқ, ҳаётда бевақт кўз юмган Сэмга театр очилишида қатнашиш насиб этмайди. 1997 йили ниҳоят узоқ кутилган очилиш маросими ҳам бўлиб ўтади. Шундай қилиб, "Глобус" аввалги жойидан 200-300 метр нарида қад ростлайди. Бино ўша давр анъаналарига мос равишда бунёд этилди.

Шекспир қироллик театрида спектакллар баҳор ва ёз ойларидагина қўйилади. Чунки бинонинг томи очиқ. Бироқ, театр биноси бўйлаб ҳар куни сайр қилиш мумкин. Яқиндан бошлаб эса "Глобус" театрининг боғ-музейи фаолият юрита бошлади. Музей асосан Шекспир ҳаёти ва ижодига бағишланган бўлиб, экспозицияларда драматургнинг жонажон театри билан боғлиқ қўлёзмалар ўрин эгаллаган. Қолаверса, боғ-музей томошабинларга Шекспир пьесаларини саҳналаштириш ёки бўлмаса саҳнада роль ўйнаш имконини ҳам беради.

**Зафар МУХАММАД**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Режа маъқулланадими?

**Греция Европа экспертлари ҳамда Халқаро валюта фондига ўзининг ислоҳотлар режасини тақдим этди.**



Бу орқали ҳукумат мамлакатга молиявий ёрдам дастури муддатининг узайтирилиши учун зарур шартни бажарди, деб хабар беради "Рейтерс" агентлиги. Греция ҳукумати мазкур ислоҳотларда назарда тутилган солиқ тўлашдан қочиш ва коррупцияга қарши курашиш орқали ғазнага 7.3 миллиард евро миқдорида маблағ туширишни режалаштирмоқда. Ушбу ислоҳотлар режаси Европа Иттифоқи, Европа марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармаси томонидан маъқулланиши керак.

## Сохта евро "муаллифлари"

**Италия полицияси дунё бўйича сохта тарқалган евронинг қарийб 90 фоизини тайёрлаб чиқарган жиноий гуруҳни фош қилди.**



Европа ҳудудининг пул бирлигини сохталаштириш билан шуғулланган мазкур гуруҳнинг 56 нафар иштирокчиси ҳибсга олинди. Махсус операция давомида уларнинг Неапол атрофида жойлашган қароргоҳи, яширин босмахона ҳамда Римда танга зарб этадиган фабрикаси аниқланган. Мазкур операция италиялик изқуварларнинг икки йиллик кузатувлари натижаси бўлди. Жиноятчилар пуллар, марка ҳамда давлат ҳужжатларини усталик билан сохталаштириб, уларни бутун Европага тарқатишган. Жиноий гуруҳ келгусида долларни ҳам сохталаштириб, уни қитъалараро муомалага киритишни режалаштирган экан.

## Табиий офат зарари

**Ўтган ўн йил давомида Бангладешда сув тошқинлари бир неча баробар кўпайган.**



Мутахассисларнинг фикрича, бу мамлакат инфратузилмасининг издан чиқишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатда ҳар йили қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисми миқдорида пасаймоқда. Мамлакатда болаларнинг қарийб ярми оч-наҳор кун кечирмоқда. Ўлим ҳолатларнинг қарийб 30 фоизи ифлосланган сув орқали пайдо бўлаётган юқумли касалликлар натижасида юз бераётир.

## Шаҳар ўртасидаги жарлик

**"Euronews" хабарига кўра, Неаполда сув қувурининг ёрилиши оқибатида аҳоли яшайдиган ҳудудда 10 метрли ўра ҳосил бўлган.**



Маҳаллий ҳокимият вакилларининг айтишича, у кичик чуқурлик кўринишида ўтган ҳафта пайдо бўлган. Аммо муаммо ўз вақтида бартараф этилмаган. Дам олиш кунларидаги ёғингарчилик вазиятни янада оғирлаштирган. Яқин атрофда истиқомат қилувчи аҳоли хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинди.

## Музликлар камаймоқда

**Тадқиқотларга кўра, атмосферада карбонат ангидриднинг кўпайиши ва ҳароратнинг кўтарилиши асосан Арктикада кузатилмоқда.**



"Арктика кенгаши" халқаро ташкилоти маълумотларига қараганда, музликлар маконида 2070 йилга бориб барча музлар эриб битиши тахмин қилинмоқда. Сўнгги 30 йил ичида ушбу ҳудудда музликлар қалинлиги икки баробарга камайган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2030-2050 йилларга бориб иқлим исиши туфайли ер юзида яшаётган аҳолининг 2,4 фоизи ичак инфекцияси, 2 фоизи безгак касаллигига чалиниши мумкин.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди.*

## Зулфия таваллудининг 100 йиллигига

### Шоира сайтининг тақдимоти

***Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур,***
***Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.***
***Тонгларингиз кулсин, дориломон, ҳур,***
***Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.***

Дарҳақиқат, шоиранинг ушбу сатрлари бугун чин маънода ўз тасдиғини топди. Халқимиз кўнглидан севимли шоира, жамоат арбоби, вафо ва садоқат куйчиси бўлиб жой олди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори нафақат шоира ижоди, балки мамлакатимизда аёл зотига юксак ҳурмат-эҳтиром, ижод аҳлига эътибор ва ғамхўрлик намунаси сифатида кутиб олинди. Шу муносабат билан шоира ижодий фаолиятини тарғиб қилишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ахборот технологиялари ва комуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида шоира Зулфияхоним ижоди, фаолияти ва ҳаёти акс этган zulfiyaxonim.uz веб-сайти ишга туширилди. Ёшлар ижод саройида мазкур веб-сайтнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда виртуал оламда бой маънавиятимизга, менталитетимизга раҳна соладиган турли сайтлар кўпайиб бораётган бир пайтда мазкур сайт ўзига хос маънавий-маърифий муҳит, баҳорий руҳият олиб киради. Айниқса, ёшларимиз учун интернет оламида маърифий нуқтани топиб бериш, уларни адабиёт ва сўз сеҳрига ошно қилиш орқали зиёли ёшлар сафини кенгайтириш бугунги кунимиз ва келажагимиз учун ғоятда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

— Элимиз суйган шоира Зулфияхоним учун яратилган ушбу сайтда шоира ижоди, ҳаёти акс этиши билан бирга юртимиз хотин-қизларининг, ёшларимизнинг маънавий оламига ўзига хос миллий руҳият олиб киради, — дейди Uzinfocom марказининг ZiyoNET ресурс маркази мутахассиси Бахтиёр Носиров. — Сайт 10 бўлим, 20 рукндан иборат. Унга мингга яқин маълумот, шоиранинг юздан ортиқ шеърлар матни, аудио ва видеолар, фотосуратлар галереяси жойлаштирилган. Сайтни ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўқиш мумкин. Сайтни маълумотлар билан тўлдиришда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланилди. Шунингдек, zulfiyaxonim.uz сайтида Зулфияхонимга даврадош бўлган қардош халқлар ва халқимизнинг ардоқли ижодкорларининг шоира ҳақидаги мулоҳазалари, шогирдларининг ёрқин хотиралари, шоиранинг "Хотирам синиқлари" достони асосида "Ёдим синиқлари" спектакли, Рустам Абдуллаевнинг "Садоқат" операси, Ойдин Абдуллаеванинг "Вафо" операораториясидан намуналар жойлаштирилган.

Сайтнинг техник жиҳати ZiyoNET ахборот-ресурс тармоғининг техник ходимлари, контенти "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ходимлари томонидан тўлдирилган. Сайтда қидирув тизими мавжуд бўлиб, у ўзбек адабиётининг ихлосмандларига мўлжалланган.

Тадбирда веб-сайт ижодкорлари тўғрисида маълумотлар берилди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида адабий-мусиқий дастур намойиш этилди.

Тақдимот сўнгида бадиий чиқиш ва сайт яратилишида ўз ҳиссасини қўшган соҳа мутахассислари тақдирланди.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## Кўргазма залларида

### Бебаҳо қадрият

**Тошкент фотосуратлар уйида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.**

Экспозициядан ўрин олган 80 га яқин суратларда мамлакатимизда истиқомат қилаётган кексаларнинг турмуши ёрқин лавҳаларда акс эттирилган. Улар Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг фотошўъбаси аъзолари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбирлари ва ёш фоторассомлар ижодига мансуб.

Кўргазмага қўйилган суратлар жанр, географияси ва йўналишига кўра ранг-баранг бўлса-да, уларни бир муҳим жиҳат — Ватанга, оилага меҳр-муҳаббат, инсонийлик каби қадриятлар бирлаштириб туради.

### Миллий зеб-зийнатлар намойиши

**Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида "Шарқнинг нозик тароватиˮ заргарлик кўргазмаси очилди.**

Археологик топилмалар асосида олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, юртимизда заргарлик энг кўҳна санъатлардан бири сифатида қадимдан ривожланиб келган. Музейларимизда сақланаётган топилмалар ҳунарнинг бу тури Юнон-Бақтрия даврида, қадимги Хоразм ҳудудида милоддан илгари даврдаёқ ривожланганини кўрсатади.

Кўргазмада XIX аср охири — XX аср бошларида яратилган заргарлик буюмларидан иборат экспозиция намойиш этилди. Ундан ўрин олган билагузук, тумор, тиллақош, зебигардон, исирға, нозигардон, балдоқ сингари зийнатлар миллий заргарлик санъати мактабларининг қадимий усул ва анъаналарга нечоғли бой эканидан дарак беради.

Намойишга қўйилган ҳар бир заргарлик буюми ўзига хос шакли ва безакларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бу эса мазкур зеб-зийнатлар унинг қайси минтақада ясалганини ҳам англатади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Тадбир

# Ватанпарварлик тараннуми




***Ватанга хизмат қилиш, эл-юрт корига яраш ҳар бир инсон учун энг катта бахтдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли инсон сифатида вояга етишлари учун замонавий ва қулай шарт-шароитлар яратишга, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамда вилоят ҳокимликлари ҳамкорлигида "Нима қилдик Ватан учун?" шиори остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

**Фарғона** шаҳрида ўтган йил фойдаланишга топширилган замонавий Театр-концерт саройидаги учрашув катта таассуротларга бой бўлди. Тадбир доирасида ташкил этилган таниқли санъаткор ва ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт барчага байрамона кайфият бағишлади. Ёшларимизнинг юз-кўзларида бугунги ҳаётдан мамнунлик, эртанги кунга бўлган ишонч, шундай юрт фарзанди эканидан ғурур-ифтихор яққол акс этиб турибди. Тадбир иштирокчилари Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб, ёш санъаткорлар билан ҳам қизғин суҳбатлашди. Мактаб ўқувчилари санъатда ўзлари эришаётган ютуқларни намойиш қилди.

Ёшлар маданият ва санъат маркази, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёш ижодкорлар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ""Куйла, ёшлигим!" кўрик танловини ўтказилмоқда. Ушбу танловнинг саралаш босқичлари 19 февралдан бошланиб, апрель ойигача қадар республикамизнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтади.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрида мазкур танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 40 нафардан ортиқ эстрада санъатига қизиқувчи ёшлар ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этди. Улар томонидан ижро этилган Ватан, она, дўстлик, ёшликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Энг муносиб деб топилган иштирокчилар танловнинг республика босқичида қатнашади

* * *

"Нима қилдик Ватан учун?" шиори остидаги тадбир мамлакатимиз ёшларини Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, ёшларда юксак бадиий дидни шакллантириш, шунингдек, маданият ва санъат соҳаларини тизимли равишда қўллаб-қувватлаш, ижодкорларнинг фаолиятини кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилаётганлиги **Андижон** вилоятида бўлиб ўтган тантаналарда ҳам ўз исботини топди.

Айни пайтда вилоятда 27 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, битта санъат коллежи фаолият юритмоқда. Уларнинг барчаси замон талаблари даражасида жиҳозланган. Пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли санъаткорлар дастлаб Андижон шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюришди. Ёш ижодкорлар билан суҳбатлашиб, яратилган шароит ва қулайликлар билан яқиндан танишиш баробарида маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Шу куни Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театри ҳам ёшлар билан гавжум бўлди. Учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук — Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, ёшларни бугунги глобаллашув жараёнида миллий менталитетимизга ёт ғоя ва таҳдидлардан асраш, ёш авлодни асрий қадриятларимизнинг муносиб давомчилари бўлиши, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова, Ниҳол мукофоти совриндори Зиёда Қобулова ва бошқаларнинг чиқишлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

"Баркамол авлод" болалар марказида ўтказилган "Куйла, ёшлигим!" танловида иштирок этган ҳаваскор ижрочиларнинг эстрада йўналишида иқтидори ва маҳоратлари синовдан ўтказилди. Ғолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.



— Тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дейди асакалик Алишер Жабборов. — Айниқса, юрт, истиқлолга бағишланган қўшиқларни мароқ билан тингладик. Бундай ижодий учрашувлардан илҳом олиб, ғайрат-шижоатимиз янада ортади. Бизни Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида эзгу мақсадлар сари рағбатлантириб, юксак марраларни кўзлаган янги режалар тузишга ундайди.

* * *

Ёшларнинг маънавий оламини янада бойитиш, мазмунли дам олишларини ташкил этиш, навқирон авлодни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлидаги эзгу ишларини рағбатлантириш, уларда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилаётган "Нима қилдик Ватан учун?" шиори остидаги ижодий учрашувларнинг навбатдагиси **Наманган** шаҳридаги Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бўлиб ўтди. Унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ҳамда санъат намояндалари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бундай ижодий учрашувлар келажагимиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга, ёрқин истиқболимизга ишонч ва шукроналик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди. Таниқли санъаткорлар ижросида янграган, Ватан, истиқлол, тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй-тантаналар, шодлик ва хурсандчилик ярашади, — дейди Наманган давлат университети 2-курс талабаси Фотима Каримова. — Бундай яратилган имкониятларга яраша биз ёшлар ўқиш ва ишдаги, ижоддаги ютуқларимиз билан лаббай, дея жавоб беришимиз, эл-юртга дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз лозим.

Фестиваль доирасида Наманган шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида санъаткорлар иштирокида ташкил этилган маҳорат сабоқлари ёшларимизга бир олам завқ-шавқ бағишлади. Вилоят маданият саройида эса эстрада йўналишида ижод қилаётган 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган 45 нафар иқтидор эгаси ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этди. Улар томонидан ижро этилган қўшиқлар ҳайъат аъзолари томонидан холисона баҳоланди. Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

* * *

Ўзбекистонимизнинг жаннатмонанд маскани гўзал Фарғона водийсида бошланган "Нима қилдик Ватан учун?" шиори остидаги ижодий учрашувларнинг навбатдагиси **Қорақалпоғистон Республикасида** бўлиб ўтди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида ўтказилган ижодий учрашувда талаба-ёшлар, маданият ва санъат намояндалари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук ва юксак интеллектуал салоҳиятли, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таниқли ўзбек, қорақалпоқ санъаткор ва ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт барчага байрамона кайфият бағишлади. Она Ватан, тинчлик, дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

— Ёшлик — билим ва касб ҳунар эгаллаш, ижодий интеллектуал салоҳиятни бойитиб бориш даври, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махсет Утемуратов. — Бу каби ижодий учрашувлар бизга ўзгача илҳом бағишлаш билан бирга ёш авлод камолоти йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг қадрига етиш, уларнинг моҳиятини теранроқ англаш имконини беради.

Юртимизда ўтказилаётган "Нима қилдик Ватан учун?" шиори остидаги ижодий учрашувлар ёшларни юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва Ватан тараққиётини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга рағбатлантириш, кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ижодий учрашувлар мамлакатимиз бўйлаб давом этади.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**Замира РЎЗИЕВА,**
**Илья ДИЛМАНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**
**Азамат ҚОСИМОВ,**
**ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби**

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Ҳар нарсанинг меъёри яхши

**Туз — муҳим озуқавий моддалардан. Моддалар алмашинуви меъёрида бўлиши учун инсон организми кунига 200 миллиграмм тузга эҳтиёж сезади.**



Одатда, катта ёшдаги инсон бир кеча-кундузда камида минг миллиграмм (бир чой қошиқ) туз истеъмол қилади. Тузнинг аксарият қисми организмга яширинча, яъни турли таомлар билан бирга тушади. Шу боис овқатга туз қўшишга алоҳида эътибор бериш лозим. Тузни кўп истеъмол қилиш, аввало, буйраклар фаолиятини қийин аҳволга солиб қўяди. Улар бор кучни ортиқча натрийни қайта ишлашга сарфлайди. Ортиқча туз қон томирлардаги босимни ошириб, бутун организмнинг зўриқишига сабаб бўлади. Қолаверса, туз юқори қон босимини келтириб чиқаради. Уни меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш эса янада жиддий муаммо — инсультга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, тузни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ошқозон саратонини келтириб чиқариши илмий жиҳатдан аллақачон исботини топган. Организмда тўпланиб қолган туз сувсизланиш, остеопороз, астма, қандли диабет каби замонавий хасталикларни келтириб чиқаришини унутмаган ҳолда уни иложи борича меъёрида истеъмол қилган маъқул.

## БИЛАСИЗМИ?

2006 йилнинг 24 августига қадар Плутон Қуёш тизимидаги сайёралардан бири эди. Плутон ўтган асрнинг 30-йилларида кашф этилганига қарамай олимлар етарли даражада ўрганмагани учун "митти сайёра"лар рўйхатига киритилди.

* * *

Норвегия жанубида асосан фермерлар истиқомат қилади. Улар етиштирган маҳсулотларни ҳар қадамда учрайдиган мўъжаз дўконлардан харид қилиш мумкин. Бироқ, бундай дўконларда сотувчини учратиш амримаҳол. Шу боис, харидор керакли маҳсулотни ўзи танлаб, тарозида ўлчайди, пулини эса кассага ташлаб кетаверади.

## ТУРФА ОЛАМ

# Денгиз тубидаги хазина

**Исроиллик ғаввослар Ўрта Ер денгизи тубидан мамлакат тарихидаги энг катта хазинани топишга муваффақ бўлишди.**



Манбада келтирилишича, хазина оғирлиги 9 килограмм келадиган 2 мингта олтин тангадан иборат. Ғаввослар тангалар жуда юпқа ва енгил бўлгани учун дастлаб қандайдир ўйинчоқ тангаларни топиб олдик, деб ўйлашган. Бироқ, улардаги қадимий рамз ва белгилар ғаввосларни иккилантириб қўяди. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида улар топилмани қадимшуносларга олиб бориб беришади. Олимларнинг тахминига кўра, хазина Шимолий Африка ва Яқин Шарқда X-XII асрларда ҳукмронлик қилган сулола даврига оид бўлиб чиққан. Ўшанда олтин ортилган кема Қоҳира ёки Кесария шаҳрига кетаётиб фалокатга учраган бўлиши мумкин.

# Пиёдалар учун яна бир қулайлик

**Буюк Британияда пиёдаларни йўлнинг у четидан бу четига элтиб қўювчи ҳайдовчисиз автомобиль қатнови йўлга қўйилди.**



Автомобиль "Lutz Pathfinder" деб номланган. "KBB Group" компаниясига тегишли ушбу маҳсулот жорий йилда Autodrive лойиҳаси доирасида ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозирда қирқ дона ҳайдовчисиз автомобиль Милтон-Кинс шаҳридаги пиёдалар йўлагида хизмат кўрсатмоқда. Келажакда бундай машиналар "Lutz Pathfinder" маҳаллий савдо марказига ташриф буюрувчилар, ногиронлар, темирйўл вокзалига бормоқчи бўлганларни ҳам ташиши кўзда тутилган. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, автомобилни смартфондаги илова орқали ҳам чақириш мумкин. Бироқ, пиёдалар автомобили атиги икки йўловчини ташиш учун мўлжалланган. "Lutz Pathfinder" машинасининг бир марталик қуввати тахминан 65 километр ёхуд 8 соатга етади. Электромобиль соатига 24 километр тезликда ҳаракатланади.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят кенгаши партия Норин туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутати

**Зарифа БОТИРОВА**нинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ
**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 225, Адади — 12876. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Беҳбуд БОТИРОВ
**Навбатчи:** Ҳасан САЛОМОВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 2.25.
*ISSN 2010-7714*
1 2 3 5